БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 15 август Чоршанба
№ 153 (13.589).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Нархларни бозор белгилайди

Қишлоқ меҳнаткашлари бу қарорни анчадан буён кутишар эди — СССР Вазирлар кенгашининг қарорига биноан 1991 йил 1 январдан бошлаб қишлоқ хўжалик маҳсулотларига янги давлат харид нархлари жорий этилади. У ўрта ҳисобда 32 фоиз кўпаяди. Хўш, ҳукумат нега бундай қарорга келди?

Халқ хўжалиги, турдош тармоқлар, саноат ва транспортда нарх-наволар ҳамда тарифларнинг кўпайишидаги ўзгаришлар ҳар бир хўжалик иқтисодиётига таъсир қилиши сир эмас. Бу ҳақда деҳқонлар уюшмасининг съездида, фирқа анжуманида, СССР Халқ депутатларининг съездларида, СССР Олий Шўросининг сессияларида кўп гапирилди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши йил сайин тобора зарар келтираётгани, унинг ҳажмлари пасайиб кетаётганлиги муносабати билан ҳукумат шаънига адолатли тарзда танқидий гаплар айтилиб, қачонгача бу ишда сусткашлик қилиш мумкин, деб сўрашарди. Масалан, газли ичимликлардан кўра сут тайёрлаш анча қийин. Лекин газли ичимликлар сутга қараганда анча қиммат туради. Шундай қилиб, нархларни тенглаштириш, бу йўл билан қишлоқ хўжалигининг саноатдан орқада қолаётганлигини бир даража бартараф этиш вақти етди. Янги харид нархлари ушбу номутаносибликни бартараф этиши керак. Жумладан, энди сутнинг бир литри 67 тийинга сотиб олинади. Йирик қорамол нархи 31 фоиз ортади.

Харид нархларини оширишнинг умумий ҳажми 68,3 миллиард сўмни ташкил этади. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириб, унинг сифатини яхшилабгина қолмай, ижтимоий муаммоларни, энг аввало уй-жой қурилиши ҳамда қишлоқ меҳнаткашлари пенсия таъминоти билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишни тезлаштиради.

Н. СТЕПАНЧЕНКО.
ТАСС мухбири.
Москва.



Анави жамоа давлатга пахта сотиш режасини бажарибди. Бошқаси энди уддалайди, дейишларга ҳам оз қолди. Пахтаобод ноҳиясидаги «Москва» жамоа хўжалиги аҳлиям шу ташвишда. Деҳқонлар 900 гектар ерга «Андижон—9» навли чигит экишган. Хўжаликнинг Сотволди Жўраев бошлиқ бригадаси аҳли эса 69 гектар майдонга деҳқончилик қилишган. Шу пахта майдонларидаги ғўзаларда ҳозирда 10—12 тадан кўсак бор. Айрим пайкалларда очилган пахталарни ҳам учратиш мумкин. Шу юмушларда ВЛКСМ XXI съезди делегати Аҳмаджон Аҳмедов бош-қош.

СУРАТДА: ҳисобчи А. Аҳмедов ижарачи И. Мансурова билан далада.

А. МИРЗАЖОН суратга олган.

Лойиҳа

«КОМСОМОЛ МУСТАҚИЛ ВА ГУЛЛАБ-ЯШНАГАН СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ ТАРАФДОРИ» ҲАРАКАТНОМАСИ

Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг Ҳаракатномаси узоқ муддатга мўлжалланган мақсадлар ва биринчи даражали ишлар бирлиги сифатида жамиятимиздаги ёшларнинг ўткир муаммоларини ҳал қилиш, инсонпарвар, демократик социализм қуриш йўлларини излашни таърифлаб беради.

Биз Совет Ўзбекистони умумий, жонажон гўшамиз; социализм инсон учун; демократия ва ошкоралик; фуқаро жамиятида миллий муроса ва тинч-тотувлик; жумҳурият Компартияси билан ғоявий муштарак ва сиёсий иттифоқ; комсомолнинг сиёсати ва иши — ёшларни ҳимоя қилиш тарафдоримиз.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ:

— барча кўринишдаги миллатчилик ва шовинизмга;

— ишсизлик, камбағаллик ва маданиятсизликка;

— шахсни бюрократик эзишга;

— чиройли сўзларнинг тўғри ишлардан устунлик қилишига;

— ёшлардан демократияга қарши мақсадларда фойдаланишга интилаётган сафсатабозликларга;

— миллатга қарши ёшлар ҳаракатини парчалаб юборишга;

— маданий, тарихий ва миллий бебурдликка;

— сидқидилдан қилинган меҳнатга менсимасдан қарашга мутлақо қаршидир.

МАҚСАДИМИЗ: НИМАГА ИНТИЛАМИЗ

Ўзбекистон ЛКЁИнинг бош мақсади — йигит-қизларнинг эркин камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ижодий имкониятларини тўла намоён этиш, иттифоқимиз аъзолари ва унга хайрихоҳларнинг сиёсий ҳамда ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш учун кучларни бирлаштиришдан иборат. Иттифоқ ёш фуқароларига сиёсий маданиятни эгаллашга, умумхалқ муросасига ва миллатлараро тотувликка эришишга ёрдам беришдан иборат.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ:

— Ўзбекистон Шўро Социалистик Жумҳурияти мустақил, гуллаб-яшнаган ва осойишта, нурли келажакни яратувчи бўлишини ўйлайди ва шунинг учун ҳаракат қилади;

— жумҳурият Коммунистик партиясининг сиёсий Ҳаракат дастурини қўллаб-қувватлайди. Сиёсий қарорлар ишлаб чиқишда фаол қатнашади;

— халқ депутатлар Шўроларининг ва жумҳурият ҳукуматининг ёш фуқароларга ўзининг виждонан қилган меҳнати билан ўзи ва оиласи учун моддий шароит яратишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий сиёсатини маъқуллайди;

— демократик сиёсий ва ижтимоий кучлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр. Мустақил яхлит ёшлар сиёсатини ўтказиш тарафдори бўлиб чиқади, шундан келиб чиққан ҳолда ҳаракатлари Ўзбекистон ССР Конституциясига зид бўлмаган ёшлар ташкилотлари блокини тузиш тарафдори;

— ўз аъзоларига мустақил ва ижодий тарзда Маркс, Энгельс ва Лениннинг ғояларига асосланган догматизмдан ҳоли бўлган социалистик ривожланишнинг моҳиятини илмий тушунишга, жаҳон тарихи тажрибасини ва шунингдек, жумҳуриятимиз тараққиётини ҳар томонлама таҳлил қилишга ёрдам беради;

— ўз аъзоларига ва ёшларга жумҳурият ҳамда мамлакатда, хорижий элларда тенгқурлари қандай яшаётгани ҳақида ҳаққоний ахборот беради;

— ВЛКСМга федерация бўлиб кирган барча коммунистик ёшлар иттифоқлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишга қатъий бел боғлаган, бу ҳамкорликни мустаҳкамлаш тарафдоридир.

Ўзбекистон ЛКЁИнинг келажаги — бу инсонпарвар, демократик социализм қуриш йўлида бирлашган, бир-бирига ва барча ёшларга ёрдам беришга тайёр бўлган эътиқодли ўртоқларнинг кўнгилли иттифоқидир. Бу — ёш инсонларнинг, жонажон Совет Ўзбекистонимизни чин дилдан севувчи турли халқ фарзандларининг байналмилал биродарлигидир.

Нималарни рўёбга чиқаришга ҳаракат қиламиз:

БИЗНИНГ ҲАРАКАТЛАРИМИЗ: НИМАНИ АМАЛГА ОШИРИШ

I. ТУРМУШНИНГ МУНОСИБ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИси:

1. Ўзбекистон ССР Олий Шўросига «Ўзбекистон ССРнинг (1990—1991 йилларга мўлжалланган) давлат ёшлар сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш ҳақида қонун лойиҳасини тақдим этиш; меҳнат қилиш имкониятидан маҳрум бўлганларга ва уларга меҳнат қилиш учун конституцион ҳуқуқларини амалий таъминлашда ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш; болалар ва ўсмирларни, ёшларни шахсий томорқаларда, ширкатларда, аралаш мулкчиликка эга корхоналарда эксплуатация қилишни ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан чеклаб қўйиш; бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлат ёрдам пули бериш йўли билан ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш; Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий ва маданий ривожлантириш Давлат планига «Ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш» бўлимини киритиш ва уни амалга оширишни таъминлаш учун молиявий-моддий ресурслар ажратишга эришади.

2. Мактабни, ҳунар-техника билим юртини, ўрта махсус ва олий ўқув юртини тамомлаган, СССР Қуролли Кучлари сафидаги хизматини ўтаб қайтган ёшларга давлат томонидан биринчи навбатда кафолатланган иш ўрни билан таъминлашни талаб қилади. Ёшларни доимий ишга қабул қилаётган корхоналарга мулкнинг барча турлари учун солиқ солишда имтиёзлар берилиши қонуний тартибда мустаҳкамлаб қўйилишини таклиф этамиз. Ўз навбатида комсомол хўжалик ҳисобидаги комсомол-ёшлар корхоналарида, ёшларнинг қишлоқ хўжалик ижара жамоаларида иш ўринлари миқдорини кўпайтиради. Ёшлар марказлари, халқ ҳунармандчилик устахоналари, касб-кор масканлари, ёш ҳунармандларнинг тайёрланишини, шунингдек, ёшларнинг якка тартибдаги меҳнат фаолиятини қўллаб-қувватлайди.

ЭНГ МУҲИМ ИШ: 1991 йилда ишсизларни, кам даромадли иттифоқимиз аъзоларини қўллаб-қувватлаш жамғармасини таъсис этиш ва унга маблағ қидириб топиш — комсомол ташкилотларининг бурчи деб ҳисоблайди.

3. Оролбўйи ва бошқа экологик ҳалокат минтақасидаги ноҳиялардаги болалар, ўсмирлар, ёшларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш учун жаҳон жамоатчилигининг имкониятларини жалб этиш юзасидан махсус давлат ҳаракатномаси қабул қилинишини талаб қилади. Она тупроқни асраб қолиш учун экологик бирлашмалар билан ҳамкорлик қилишга, барча ишларни амалга оширишга тайёр.

4. Бундан буён ҳам ёшлар уй-жой комплекслари қуриш ҳаракатини, ёшлар кучи билан йигит-қизлар учун уйлар ва ва квартиралар барпо этишни ўта фаоллик билан қўллаб-қувватлайди, комсомоллар — депутатлар, меҳнат жамоалари кенгашлари аъзолари орқали уй-жой қурилишига шахсий қарз бериш орқали ёшлар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилишига эришади.

5. Юртдошларимизнинг ҳарбий хизматни ўташ чоғида инсонлик, фуқаролик ва миллий ғурурини шак-шубҳасиз ҳурмат қилиниши учун курашади, уларга моддий ва маънавий ёрдам қилинади. Шу мақсадда шаҳар ва ноҳия комсомол қўмиталари ҳамда Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитасида ёш ҳарбий хизматчиларни қўллаб-қувватлаш кенгашлари тузилади, уларнинг хизмат жойларида, жумладан, жумҳуриятимиздан ташқарида ҳам, жамоатчилик инспекциялари ўтказиш ҳуқуқи учун курашади.

1991-1993 йилларда шаҳар ва қишлоқ ноҳияларида комсомол ташаббусларини, барча ёшлар ташкилотларини халқ депутатлари Шўроларининг ҳокимияти ва ресурслари билан бирлаштирувчи ёшларнинг кенг ижтимоий-иқтисодий хизматини ташкил қилиш, бу ишга меҳнат жамоаларини, ширкатларини, маҳалла қўмиталарини, кенг жамоатчиликни, диний ташкилотларни ҳам жалб этиш энг муҳим иш ҳисобланади.

II. МАЪНАВИЙ ВА МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ УЧУН

Ўзбекистон комсомоли:

1. Ёш истеъдодларни излаб топиш ва уларни қўллаб-қувватлаш давлат ҳаракатномасини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга, шу мақсадда ташкил этилган Улуғбек номидаги ижтимоий-давлат жамғармасининг ривожланишига фаол улуш қўшиш учун интилади. Жумҳуриятнинг юксак тафаккур имкониятини яратишга хайрихоҳ бўлган барча кишилар билан, фан, техника, сиёсат соҳасининг ёш пешқадамлари тезроқ етишиб чиқиши учун шарт-шароит яратишга хизмат қилувчилар билан ҳамкорлик қилади. Истеъдодли ўзбек ёшларининг мамлакат ва хорижий элларнинг етакчи илмий-техник марказларида таҳсил олишини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайди;

2. Ўзбек халқининг тили, маданияти ва анъаналари, шунингдек, жумҳуриятимиздаги бошқа миллий маданиятларнинг тикланиши ҳамда равнақ топиши учун ғамхўрлик кўрсатади. Оилада, истиқомат жойларида, ўқув юртларида социалистик миллий ва байналмилал тарбия тарафдори бўлиб чиқади. Маданият ва тарихни ўрганувчи, Ўзбекистон халқларининг тарихий ёдгорликларини сақлаш бўйича ёшлар бирлашмалари ва муассасалари, адабиёт ҳаваскорлари, ўзбек маданиятининг дўстлари клублари, эски ўзбек тили имлоси тўгаракларининг фаолиятини сиёсий, маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Спортнинг миллий турларини тиклаш даъвати билан мурожаат қилади; 1990-1993 йилларда шаҳар ва ноҳияларда спортнинг миллий турлари юзасидан ёшлар спартакиадалари ўтказишни таклиф этади;

3. Янгиланаётган Совет Иттифоқининг барча жумҳуриятлари комсомол ва ёшларига дўстлик қўлларини чўзади. Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти, вилоят, шаҳар, ноҳия, бошланғич комсомол ташкилотлари Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари қардошларча ҳамкорлигининг янги имкониятларига қўшилишни таклиф этади. Ўзбекистон комсомоли Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитаси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида ўзбек ёшларининг Жаҳон фестивалини ўтказишга тайёр. Давлат ёш ватандошларимиз билан алоқаларни яқинлаштиришга ҳар жиҳатдан кўмак бериши зарур деб ҳисоблайди.

ЭНГ МУҲИМ ИШ: Буюк мутафаккир ва инсонпарвар, ўзбек адабий тили асосчиси Алишер Навоийнинг 550 йиллиги умумхалқ байрамига комсомол ва ёшларни жалб қилади.

III. ЁШЛАР — ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИНИНГ ФАОЛ КУЧИ

Ўзбекистон комсомоли:

1. Шўролардаги барча даражадаги халқ депутатларини — комсомолларни, ёшларни, шунингдек, давлат ҳокимияти органида ёш фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини амалда ким ҳимоя қилаётган бўлса, ўшаларни қўллаб-қувватлайди. Халқ депутатлари Шўроларида, меҳнат жамоалари кенгашларида ва касаба уюшмаларида комсомол-ёшлар фракциялари тузишга кўмаклашади. Ўзбекистон ССР Олий Шўроси ва Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти Олий Шўросининг ёшлар ишлари бўйича қўмитаси билан, маҳаллий Шўролардаги айнан шундай комиссиялар билан ҳамкорлик қилади;

2. Давлат ҳокимияти ва жамоат ўз-ўзини бошқарув органларида ёшлар манфаатини ҳимоя қилишга қодир бўлганларнинг номзодларини сайловларда кўрсатишга тайёрлайди ва қўяди. Ёш фуқаролар давлат ҳокимиятининг барча органларида кенг ваколатликка эга бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Сайловларда Ўзбекистон Компартияси ташкилотлари, барча демократик, ижтимоий кучлар билан тенг сиёсий иттифоққа киришга тайёр;

3. Йигит-қизларнинг ижтимоий аҳволи, ўзини ижтимоий ҳис қилишига бўлган барча қарорларни муҳокама қилишда ёшлар экспертизасини, ошкораликни талаб қилади;

4. Жумҳурият, вилоят, шаҳар, ноҳия, қишлоқ, посёлкани бошқариш ишларида қатнашувга комсомолларни жалб қилади. Шу мақсадда мавжуд оммавий ахборот воситаларидан фойдаланади ва янгиларини ташкил этади, ҳокимият органларига наказ ва таклифларни тайёрлайди;

5. Ўзбекистон ССР Олий Шўросида ёшларнинг Маслаҳатлашув кенгашини таъсис этишни, уни жумҳурият ёшлар ҳаракатлари турли-туманлигини ҳисобга олиб, демократик йўл билан шакллантиришни таклиф қилади.

ЭНГ МУҲИМ ИШЛАР: «Ўзбекистон ССРда ёшларнинг давлат сиёсати асослари тўғрисида» Ўзбекистон ССР Қонунининг лойиҳасини тайёрлайди ҳамда ёшлар муҳокамасига қўяди, унинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши учун курашади. Ёш депутатлар фаолиятини ахборот, илмий, тарғибот ва ташкилий-сиёсий жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ҳузуридаги ёшлар муаммолари институтида тайёрланади, иттифоқдош жумҳуриятлар ва хорижий мамлакатлар парламентларида стажировкалар учун Жамғарма таъсис этилади.

IV. БИЗ БИРГАЛИКДА КУЧЛИМИЗ

Ўзбекистон комсомоли:

1. Комсомоллар ва хайрихоҳ ёшларнинг манфаатлари йўлида, демократик ва ижтимоий асослар ривожлантирилади. Ишлаб топилган маблағлардан комсомол-ёшлар ҳаракатномалари, ижтимоий аҳамиятга молик манфаатлар шаклланишларини молиявий таъминлашда фойдаланилади;

2. Бошланғич комсомол ташкилотларининг ноҳия, шаҳар, вилоят комсомол ташкилотлари доирасида, шунингдек, минтақалараро ва жумҳурият даражасида ёшлар муаммоларини ҳал қилувчи ассоциацияларга бирлашишини қўллаб-қувватлайди, бунда кўпгина комсомоллар манфаатлари ҳудудий комсомол ташкилотлари билан боғлиқдир;

3. Зарур ҳолларда истиқомат жойлари, ижтимоий аҳамиятга молик манфаатлар бўйича бошланғич комсомол ташкилотларига бирлашишга кўмаклашади;

4. Иттифоқ аъзоси бўлмаган ёшлар билан ғоят узвий алоқалар ўрнатиш, уларни комсомол ишига жалб қилиш, иттифоқимизга аъзо бўлишни ташвиқот қилишни комсомол учун ҳаётий масала деб ҳисоблайди;

5. Шаҳар, ноҳия комсомол қўмиталари ҳуқуқида комсомоллар ва барча ёшлар учун очиқ бўлган сиёсий мунозара клублари тузади; ёшлар орасида ҳаққоний мулоқотни ривожлантиради;

6. Ўз сафларида кимда-ким онгли ва кўнгилли равишда, меҳнаткашлар манфаатлари йўлида коммунист бўлишга қарор қилгудек бўлса, тарбиялашга интилади;

ЭНГ МУҲИМ ИШ: Бошланғич комсомол ташкилотлари комсомоллар ва ёшлар орасида ўз обрўлари учун курашишлари, улар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари, комсомолда ўртоқлик ва ғоявийликни тиклашлари лозим.

* * *

Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг Ҳаракатномаси ана шундай.

Ўзбекистон комсомоли кимда-ким мустақил сиёсий тажрибага эга бўлиш, ҳам шахсий мақсадда, ҳам тенгдошларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ёшлар сиёсатидан баҳраманд бўлишни, долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал этишни истаган барча учун очиқ.

Иттифоқимизни илғор, сиёсий мустақил ва ўз аъзоларига керакли ташкилотга фақат комсомолларнинг ўзлари айлантира оладилар.

«Комсомол мустақил ва гуллаб-яшнаган Совет Ўзбекистони тарафдори» Ҳаракатномасига ёки унинг исталган бандига, шунингдек, уларни рўёбга чиқаришга умуминсоний қадриятларни ва Ўзбекистон ССР Давлат тузумини тан олувчи барча ёшлар ҳамда бошқа ташкилотлар қўшилишлари мумкин.

Ҳужжат VIII пленумда сайланган Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси комиссияси томонидан тайёрланган ва вилоят комсомол қўмиталарининг фикрларини ҳисобга олиш билан маромига етказилган.

Шу сўнгга хабар

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасида бўлиб ўтган семинарда фирқа қурилишининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Унда вилоят, шаҳар ва ноҳия фирқа қўмиталарининг котиблари, ноҳия фирқа қўмитаси ҳуқуқига эга бўлган фирқа қўмиталарининг котиблари, умумий бўлимларнинг мудирлари ва ташкилий-партиявий ишлар бўлимлари мудирларининг ўринбосарлари қатнашдилар.

Семинар қатнашчилари КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорлари муносабати билан фирқа ташкилотларининг иши масалаларини, бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларини ҳамда бошқа масалаларини муҳокама қилдилар.

Семинар қатнашчилари ҳузурида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби А. С. Ефимов, Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг раиси Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиби Ж. Ҳамидов нутқ сўзладилар.

Талабалар пул топишяпти

АНДИЖОН ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИНИНГ бу йилги талабаларидан бир гуруҳи амалий ўқув жараёнини ўташ учун қурилиш ташкилотларига бориб юришмади. Техникум қошида дурадгорчилик цехи очдилар. Авваллари цех ўрнида устахона бўлиб, станок ва асбоб ускуналар ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Асосий фондлар ўқув юрти учун фойда келтирмасди. Бир гуруҳ ташаббускор ёшлар устахона ўрнида цех очиб халқ эҳтиёжи учун зарур бўлган ёғоч маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бошлаб беришди. Уларга «Облмебелрембит» корхонаси мутасаддилари ёрдам қўлини чўзишди. Шартномачилар ўқувчиларга ёғоч маҳсулотлари етказиб беради. Бажарувчилар эса уни буюмга айлантириб савдога чиқарадилар. Таъкидлаш лозимки техникум қошида талабалар яратаётган маҳсулотларни сотиш учун савдо дўкони ҳам иш бошлади. Ўқувчилар дастлабки маҳсулотларни ишлаб чиқаришга киришдилар. Буюмларни сотиш эвазига топилган маҳсулотнинг бир қисмини шартномачи корхонага берилса, иккинчи қисми техникум ҳисобига тушади.

РЛС қурилиши тўхтатилди

УЖГОРОД. (ТАСС мухбири Я. ЯДЛОВСКИЙ). СССР Вазирлар кенгашининг фармойишида Карпат ортидаги Мукачево шаҳри яқинидаги радиолокация станцияси (РЛС) қурилишини тўхтатиш назарда тутилган. Унинг барча иншоотлари тўхтатиб қўйилади.

СССР Мудофаа вазирлиги қурилиш натижасида ишдан чиққан ўрмонлар ва ҳайдаладиган ерларни тиклаб бериши керак. Бинолар ва иншоотларни тўхтатиб қўйиш борасидаги ишларга, ўрмонлар ва ҳайдаладиган ерларни тиклашга СССР Мудофаа вазирлиги РЛС қурилишига ажратган маблағлар ҳисобидан ҳақ тўланади.

СССР ҳукуматининг фармойиши, Украина ССР Олий Шўроси жумҳурият ҳудудида янги ўта кучли РЛС қурилишини беш йил муддатга бир томонлама тўхтатиб қўйиш тўғрисида яқинда қабул қилган қарори сингари Карпат ортидаги аҳволни юмшатишга кўмаклашади. Карпат орти аҳолиси уларнинг овозини ниҳоят эшитишганидан, уларнинг фикрини ҳисобга олишганидан мамнун бўлди.

Учиш майдонидаги можаро

ХАБАРОВСК. (ТАСС мухбири Ю. ВИТРИШЧАК). Ўтган якшанба куни Хабаровск тайёрагоҳининг учиш-қўниш майдонини одамлар қуршаб олишди. Йўловчилар тайёра асоссиз ушлаб қолинган, деб ўйлаб шу йўсинда норозилик билдирдилар.

Киев — Жанубий Сахалинск ўртасида учувчи ИЛ-62 тайёраси экипажни алмаштириш учун режалаштирилганига кўра Хабаровск тайёрагоҳига қўнди. Тайёранинг техникавий носозлиги сабабли унинг учиши дастлаб икки соат кечиктирилганлиги эълон қилинди. Шундан сўнг йўловчилар тайёрага чиқишгач, унинг учиши яна икки соат кечиктирилди. Бу гал экипаж аъзоларидан бири келмаганлиги сабабли шундай бўлди. Элликка яқин йўловчи, уларнинг кўпчилиги болалари билан бирга эди, тайёрадан чиқиб учиш-қўниш майдончасида туриб олди.

Бунинг натижасида Хабаровск майдонига эндигина қўнмоқчи бўлаётган ҳаво кемаларидан бири Сахалинга қайтишга мажбур бўлди. Бошқа тайёраларни жўнатиш ва қабул қилиб олишда ҳам мушкулликлар пайдо бўлди. Тайёрагоҳ вакиллари раҳбарлари воқеа содир бўлган жойга келишиб, воқеани тушунтирганларидагина, ичида 174 нафар йўловчи бўлган тайёра беш соатдан кейин белгиланган жойига учиб кетди.

Биз рўй берган воқеа учун масъулиятдан қочмаймиз, дейди Хабаровск бирлашган авиаотряди командирининг биринчи ўринбосари П. Севастьянов. — Айни вақтда бундай усулдаги норозилик кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин. Одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавф остида қолди, ҳаво кемалари ҳаракатини ташкил этишда мушкулликлар пайдо бўлди, чунки уларнинг ичида юзлаб одамлар бор эди. «Аэрофлот» муаммолари кўплиги равшан, лекин йўловчилар ҳам ўзларини кўпроқ тия билишлари керак.

Россия—Америка дорилфунуни ташкил этилади

СССР Фанлар академияси, М. В. Ломоносов номли Москва давлат дорилфунуни ва «Индепендент Юниверсити» Вашингтон ташкилоти ўртасида Москвада Россия — Америка дорилфунунини ташкил этиш тўғрисида шартнома тузилди.

Бу биз учун бутунлай янги ўқув юрти бўлиб, унда АҚШ профессорлари иқтисодиётдан, бизнесдан, инглиз тилидан дарс берадилар. Ўз навбатида совет мутахассислари Америка бўлимида лекциялар курсини ўқийдилар. Россиянинг биринчи мустақил дорилфунуни айнан қаерда жойлаштирилиши ҳақида гапириш қийин, аммо у келгуси йилда ишлай бошлайди, деб қарор қилинди.

Лекин ҳозирнинг ўзидаёқ 15 сентябрдан дорилфунун базасида кечки бизнес мактаби иш бошлайди. 60 кишидан иборат гуруҳ ташкил этиш мўлжалланмоқда (математика ва инглиз тилини муваффақиятли топширган, 30 ёшгача бўлган ёшлар қабул қилинади). Барча муаллимлар Америкадан келади. 20 нафар энг яхши талаба АҚШда стажировкадан ўтади.

(ТАСС мухбири).
Москва.

«Қизлар синфи» ташкил этилса...»

(1990 ЙИЛ, 20 МАРТ).

Кейинги пайтларда «қўйди-чиқди»ларнинг жуда кўпайиб кетаётганлигига қизларимизнинг турмуш қуришга етарлича кўникма олмай вояга етаётганликлари сабаб бўляптими! Ёш қизларни, аёлларни, енгил-елпи йўлга киришларига нималар мажбур қилмоқда! Қизларимизнинг хушахлоқ, шарқона нафосатли бўлиб вояга етишларида «қизлар синф»ларининг таъсири бўладими!

Хоразм вилояти, Ҳазорасп ноҳиясидаги, Пушкин номли мактаб ўқувчиси Нигора Қурбонованинг «Қизлар синфи» ташкил этилса...» сарлавҳали мақоласи муштарийларимизда катта қизиқиш уйғотди. Баҳслашишга ундади. Мана бу мактублардан сатрларни ўқинг. Бунга сиз ҳам гувоҳ бўласиз.

* * *

МЕН ҲАРБИЙ хизматда ўз йигитлик бурчимни ўтаяпман. Хизматда синфдош қизлар менга кўмак бўляпти. Улар ёзадиган хатни орзиқиб кутаман. Миллат ажратиш қолиб энди қиз ва ўғил болаларни ҳам ажратиш бошландими! Мен хатим хунуклигидан уялиб она тили фанидан жавоб бермай «садақа» уч билан чоракларни тамомлар эдим. Хатимни тузатиш учун синфдош қизларимиз катта ёрдам кўрсатишди. Қизларни отин ойилар ўқитишини ўша пайтда замона шуни талаб қилар эди. Чунки қизлар паранжи-чиммат ортидан кўча кўришар эди. Одоб-ахлоқли бўлиш эса қизларимизнинг ўзига боғлиқ. Халқимизда мақол бор «Ҳар ким экканини ўради». Шундай экан, уларни ҳеч ким мажбур қилаётгани йўқ. Турли-туман телекўрсатувларни кўришга. Дарсликларга келсак ҳеч қайси ўқитувчи тушунтиришни меъёридан ўтказиб юбормаса керак. Менинг фикрим — қиз ва ўғил болалар бир синфда ўқиши керак ва зарур. Чунки улар бир-бирига ҳамиша керак бўлади. Балки дарсликларни қайта ишлаб чиқиш керакдир.

Салом билан оддий солдат Мўмин НАЗАРОВ.

* * *

АЙРИМ ҚИЗЛАРНИНГ «ўғил болалар бошқа, қизлар бошқа мактабда ўқишса зўр бўларди» деган гапларини кўп эшитганман. Қизлардан нега деб сўралса, «ўғил болалар уят гапларни кўп гапиришади», — деб норозилик билдиришади. Лекин мен бу фикрга мутлақо қўшилмайман. Фақат шу ўринда ота-оналарга мурожаат қилиб, фарзандлари тарбиясига катта эътибор бериб, кўпроқ вақт ажратишларини сўрайман. Қизларнинг алоҳида, ўғил болаларнинг алоҳида синфда ўқишлари, менимча, нотўғри. Мен шуни таклиф қилардимки, ҳафтада 2 соат қизлар (дарси) соати бўлса. Ушбу соатларда тажрибали муаллималар қизларга одоб-ахлоқни, урф-одатларни, уй тутиш сирларини ўргатишса. Ҳозирги кунда кўпчилик оналаримиз, ишдан, рўзғордан бўшаб, (айниқса қишлоқларда) қизларга етарли даражада тарбия беролмайдилар. Қиз эса урф-одатларни, уй тутишни билмаган ҳолда бошқа хонадонга туширилади. Менимча, оиланинг бузилиши кўпинча қизларнинг уй тутишни билмаганликларидан келиб чиқади.

Балки менинг фикримни баъзилар қоралар, лекин шахсан мен «қизлар соати» бўлишини истайман.

Дилфуза ИНОЯТОВА,
Наманган вилояти, Чортоқ ноҳиясидаги Ойбек номли мактаб ўқувчиси.

* * *

МАКТАБЛАРДА «қизлар синфи» ташкил этилса, унда шарқий урф-одатларни яхши биладиган аёл ўқитувчилар диний, дунёвий илм ўргатишса, оила тутиш, бола тарбияси одоб-ахлоқ асослари ўргатилса мақсадга мувофиқ бўларди. Ҳозирда бизда «қўйди-чиқди»нинг кўпайиши ҳам ҳаётни яхши тушуниб етмасликдан. Аждодларимиз тарбиясига бир назар солсак, аввало, турмуш қуришда эр-хотин ўртасида поклик, меҳр-муҳаббат, ҳалоллик бўлган. Шу пок эркакдан дунёга келадиган бола ҳам қалби пок, дилида имони билан туғилган. Она қорнидагилигидан бошлаб бола тарбия олар экан. Онани ҳалол овқат ейиши, тўғри йўлга юриши, шарму ҳаёси болага жуда катта таъсир қилар экан. Қизларимиз ҳаёли бўлишса, қайнона-қайнота, қўни-қўшни, қавму-қариндошга меҳр-оқибатли, орномусли бўлади.

Зоҳида ҒОВСИДДИНОВА,
Наманган вилояти, Косонсой ноҳиясидаги Тергачи қишлоғи.

* * *

ЎЗБЕК ТИЛИГА давлат мақоми берилгани, эски урф-одатларимизнинг қайта тикланаётганлиги жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида катта ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Атрофга назар ташласангиз ўғил-қизларимизнинг жуда кўпи миллий кийимимизда. Айтаманки, эски урф-одатларимизнинг қайтиши, ўзбек халқига ва унинг фарзандларига яна меҳр-оқибат, ахлоқ ва одобини-ю, саҳийлигини қайтариб беради. Ана шунда алоҳида қизлар синфисиз ҳам ҳар бир ўғил-қизимиз шарқликларга хос барча яхши фазилатларга эга бўлади.

Феруза ЮСУПОВА,
Андижон вилоятидаги енгил саноат политехникумининг III курс толибаси.

* * *

«ОДАМ АНАТОМИЯСИ» фанини ўғил болаларга алоҳида, қиз болаларга алоҳида (аёл муаллими) ўтилишига қўшиламан. «Қизлар синфи»нинг эса кераги йўқ. Тўғри, инқилобдан олдин эски мактабларда қизларга алоҳида, ўғил болаларга алоҳида дарс берилган. Ҳозир ҳам ўша пайтдагидай таълим-тарбия бериш мумкин-ку. Наҳотки энди «Қизлар синфи» керак бўлса? Мактабда, қизлар кенгаши яхши иш олиб борса, қизларнинг ҳеч бири бемаъни йўлга кирмайди, деб ўйлайман. Мактабларда маҳалладаги ҳурматли онахонларимиз қизларимизга одоб-ахлоқ ҳақида суҳбат ўтказсалар бизга «қизлар синфи»нинг ҳожати йўқ деб ўйлайман.

Муқаддас САЙДАЛИЕВА.
Андижон вилояти, Балиқчи ноҳиясидаги 3-мактаб ўқувчиси.

* * *

НАФАҚАТ «Одам анатомияси» балки «Оила», «Умумий биология», «Жамиятшунослик» (баъзи оила, никоҳга доир темаларни) дарслари ўқувчилар орасида «ноқулайлик» туғдиради. Мана шу дарсларни мактабимизнинг катта ёшли муаллимлари ўтса, дарсни-ку минг азоб билан ўтказамиз. Кейин-чи? Дарсдан ташқари пайтларда кўз-кўзга тушганда уятдан қизариб, ўз-ўзимиздан нафратланиб юрамиз. Борабора кўникамиз. Чунки «Шундай ўқишни аввалдан режалаштирган кишилар ҳам аҳмоқ эмасдир» деган таскин бизни тинчлантиради. Қизлар орасида ибо-ҳаё, нафислик ва назокатнинг кўтарилишига, муҳаббат, дўстлик, туйғуларининг топталишига ана шу ҳолатлар сабаб эмасмикан?

Эҳ, қанийди «қизлар синфи» ташкил этилса!..

Гўзал КЕНЖАЕВА,
Қашқадарё вилояти, Ғузор ноҳиясидаги 34-мактаб ўқувчиси.


* * *

ҲАЁ ВА ДИЁНАТ аралаш-қуралаш бўлиб кетди, десам муболаға бўлмайди. Қизларимиз тушуниб-тушунмай ҳар хил базм-суҳбатлар қуришади. Натижада хунук воқеалар содир бўлмоқда. Буни ҳам тарбиявий ишларимиз аралаш ҳолда бўлганидан деб тушунаман. Ҳар ҳолда қизларнинг иффатли-ҳаёли бўлмоғи жамиятимиз равнақида ҳам, оиланинг файзли бўлишида ҳам зарур ва керак.

Гулчеҳра МАРДИЕВА,
Самарқанд вилояти, Пайариқ ноҳиясидаги Оққўрғон қишлоқ Шўроси.

Ҳадемай
Янги ўқув йили бошланади.
Барчанинг ташвишига
яна бир ташвиш қўшилади.
Аслида-ку,
мактаб «можароси»
аллақачон бошланган.
Хоразм вилоятининг
Шовот ноҳиясидаги
«Фирқа XIX съезди»
жамоа хўжалиги
Чиғатой участкасида эса
янги мактаб биноси
қад ростлади.
464 ўринли бу ўқув даргоҳи
хўжалик аҳли учун
Янги ўқув йилига
ажойиб совға бўлди.
СУРАТЛАРДА: (ўнгда)
жамоа хўжалиги раиси
Қўчқор Қуронбоев
мактаб педагоглари
даврасида,
илм масканининг
умумий кўриниши.
Сураткаш:
Н. МУҲАММАДЖОНОВ.





Хорижден хабарлар



Машҳур қўшиқчиларнинг тақлидчилари, бошқачароқ қилиб айтганда «соя»лари кўп бўлади. Яқинда Чикагода таниқли ҳофиз ва бастакор Элвис Пресслини дунёдаги шогирдлари йўқлашди. Бу Халқаро учрашувга келганлар Элвис турли вақтларда кийиб саҳнага чиққан либосларда эдилар.

ТАСС сурат хроникаси.

СОВЕТ ФУҚАРОЛАРИ ОЛИБ КЕТИЛАДИ

Қувайт ва Форс кўрфазидаги аҳвол кескинлашганлиги муносабати билан шу кунларда СССР Президентининг кўрсатмасига биноан СССР Вазирлар кенгаши Раисининг ўринбосари И. С. Белоусов бошчилигида тузилган идоралараро ишчи гуруҳи ҳозир танглик рўй берган ердаги совет фуқароларини кўчириш билан боғлиқ кўпдан-кўп техникавий масалаларни ҳал этиш билан шуғулланмоқда. СССР Ташқи ишлар вазирлигида ТАСС мухбирига шуни маълум қилдилар.

Ташқи сиёсий ва бошқа идораларнинг вакиллари ишида қатнашаётган бу гуруҳ фуқаролар қайтиб келишининг амалий маршрутларини, транспорт, озиқ-овқат, маҳсулотлари билан таъминлаш схемаларини, харажатларни тўлаш ҳамда совет кишилари хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ишлаб чиқмоқда.

Ироқ вакиллари дипломатик йўллар орқали танглик рўй берган ерда совет гражданлари учун бевосита хавф-хатар йўқлигига совет томонини ишонтирдилар. Совет кишилари кўчирилаётганида уларга ҳурмат билан яхши муносабатда бўлишни ваъда бердилар.

Ироқ Қувайтга бостириб кирганида СССР фуқароларидан ҳеч ким жабрланмади. Ҳозиргача уларга нисбатан қандайдир душманлик ёки безориларча ҳаракат қилинганлиги сезилмади.

(ТАСС).

ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ЎРНАТИЛАДИ

ПЕКИН. (ТАСС). Хитой Сингапур билан дипломатик муносабатлар ўрнатишга тайёр. Сингапур жумҳуриятига расмий ташриф буюрган ХХР давлат кенгашининг бошлиғи Ли Пэн шуни маълум қилди.

Синхуа агентлигининг хабар беришича, Жануби-Шарқий Осиёдаги ана шу кичик давлат Бош вазири Ли Куан Ю хитойлик меҳмон шарафига берилган зиёфатда унинг мамлакати ХХР билан яқин ойлар ичида дипломатик муносабатлар ўрнатишни хоҳлаётганлигини айтди.

Бу Хитой ҳукумати бошлиғининг кейинги тўққиз йил ичида Сингапурга қилган биринчи ташрифидир.

ҲАРБИЙ РАЗВЕДКА ҚУРБОНИ

ИСЛОМОБОД. (ТАСС мухбири Владислав ЛЕГАНЦОВ). Карочи шаҳрида Бош вазир лавозимидан олиб ташланган Беназир Бхутто маъмуриятининг бир қанча мансабдор ходимлари қамоққа олинди. Ассошиэйтед Пресс Оф Покистон агентлиги расмий манбаларга таяниб, шуни хабар қилди. Қамалганлар орасида собиқ ҳукумат бошлиғининг шахсий котиби ҳам бор.

Қамоққа олишлар жамоат тартибини сақлаш тўғрисидаги қарорга биноан амалга оширилди, дейилади АПП хабарида.

ЛОНДОН. (ТАСС). Мен «ярим ҳарбий давлат тўнтаришининг» қурбони бўлдим, деди Б. Бхутто Англияда чиқадиган «Таймс» рўзномаси мухбири билан суҳбатда. Менинг ишдан олинишимда умуман армиянинг эмас, балки ҳарбий разведканинг қўли бор, деб таъкидлади у.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

СИГИРЛАР ВА ЭЛЕКТР ТОКИ

● СИГИРЛАРНИНГ электр энергиясини ишлаб чиқаришга нима дахли бор? Калифорниялик ҳуқуқшунос Вил Пэришнинг эътироф этишича, улар орасида муҳим боғланиш бор экан. У ҳуқуқшунослик борасидаги ишларини йиғиштириб, ўзига хос яна бир иш топди: шахсий электр станциясини барпо этди. Мазкур станция 20 мингга яқин уйни электр токи билан таъминлайди. Қизиғи шундаки, бу электр станцияси сигирлар тапписи билан ишлайди. Собиқ ҳуқуқшунос 1 тонна таппини 1 доллар атрофидаги нархда фермерлардан сотиб олади ва уни кўмир ўрнида ёқади. Ушбу электр станциясида ишлашни хоҳловчилар тобора камайиб бормоқда. Ахир таппининг ҳиди ҳам «ўзига хос»да.

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ БАХТЛИ БЎЛИШ МУМКИН!

● БАХТЛИ бўлиш унчалик мушкул иш эмас. Бу ҳамманинг ҳам қўлидан келиши мумкин. Масалан, банк ҳисобига бир неча юз доллар қўйиб, уни осонгина минг долларга айлантириб олиш мумкин. Бунинг учун бор-йўғи 50 йил муддат зарур, деб ҳисоблайди Жон Крейн ўзининг «Қандай қилиб бой бўлиш мумкин. Кафолат бераман?» номли китобида. Муаллиф ўз китобида қоидаларга қатъий риоя қилишни сўрайди. У кишиларни омад келишига ишонтиришдан чарчамайди. Жон Крейн шуни ҳам таъкидлайдики, бир кун ва бир соатда омад кулиб боқиши мумкин эмас. Бой бўлиш учун узоқни кўзлаб иш тутиш зарур. Бироқ мистер Крейннинг бошқаларга кўп бор таъкидлаганидек, узоқ кутишига тўғри келмади. Унинг китоби бозоргир бўлиб кетди. Бу эса унга катта бойлик олиб келди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Саёҳатнома

Тожмаҳал

Деҳлидан Аграгача бўлган масофа 200 километрдан зиёд. Аграда аэропорт мавжудлигига қарамай, зиёратчилар автобусда боришни ёқтиришади. Ҳиндистон автобуслари ўриндиқлари юмшоқ бўлмасада, айримларида ҳатто ваннагача бор. Хуллас, жазирама ҳинд иссиғи сезилмайди. Автобус ойнасидан эса бепоён ложувард далаларни, ўрмонзорларни томоша қилиб кетиш мумкин. Экинзорларда трактор билан бирга ҳўкиз қўшилган омочлар ҳам кўзга ташланади. Зеро, ер—ҳинд деҳқони учун ғоят азиз, мамлакат аҳолисининг аксарияти эса қишлоқларда яшайди.

Шундай йўлни автобусда тўрт-беш соатда босиб ўтасиз. Фақат бир маротаба манзилда дам олинади. Бу ерда сизни дўкондорлар ўраб олишади, филда сайр қилдирувчилар, маймун-у, илон ўйнатувчилар оҳиста ўрнидан туришади.

...Бизни эса Аградаги машҳур Тожмаҳал мақбарасини кўриш ҳақидаги ширин орзу энтиктиради. «Дунё марвариди» — сулув Тожмаҳални кўришни кимлар орзу қилмаган дейсиз. Ҳадемай Аграга кираверишни билдирувчи белгилар пайдо бўлди. Йўллар... Бундан тўрт ярим аср илгари аламзада, лекин музаффар юртдошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ғолиб навкарлари шу йўллардан ер чангитиб ўтишган:

Толеи йўқки, жонимға
балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим
хатолиғ бўлди,
Ўз ерни қўйиб,
Ҳинд сори юзландим,
Ё раб, нетай, не юз қаролиғ
бўлди.

Буюк Мўғуллар империясининг пойтахтига кираверишдаги Сикандра деб номланувчи ноҳияда Шоҳ Акбар мақбарасини завқланмай кўриш мумкин эмас. Император Шоҳ Акбар шу ерда дафн этилган. Мақбара ёнида Боғи эрам мисоли боғдаги дарахтларда шохдан-шохга сакраётган маймунлар ғоят кўп, гўзал кийиклар эса хотиржам ўтлаб юрибди.

...Аградаги «Кларкс шираз» меҳмонхонасининг бешинчи қаватига жойлашган ресторандан Қизил Форт ва кумушсимон Тожмаҳал кўриниб турибди.

— Бормасдан шу жойдан ҳам, мақбарани кўраверса бўларкан, — деди ҳаяжонланиб, Қорақалпоғистон вилояти комсомол қўмитасининг биринчи котиби Озод Абдумажитов. — Қаранг, адаш, қандай ажойиб, қандай маҳобатли...

Ресторанда банан билан бирга қовун ҳам таклиф этишди. Тилимининг ранги ошқовоққа ўхшайди, мазаси ҳам унча эмас. Негадир, Бобурнинг олис Фарғонадан қовун келтирганларида аччиқ-аччиқ йиғлаганининг боисини ўзимча тушундим. Айтишларича, қовун уруғини у ўзи билан бирга олис Андижондан олиб келганмиш. Бўлса бордир, ҳарқалай, Аграниг тўкин бозорларида қовун-тарвуз, олма-анорлар сероб.

Келган кунимиз тушдан кейиноқ Тожмаҳалга олиб боришадиган бўлишди. Бу мақбарани ҳар йили олти юз минг киши келиб кўради. Бу эса кунига 2-3 минг зиёратчи демакдир. Ҳиндистоннинг бошқа шаҳарларида расмчиларни кўрмаган бўлсак, бу ерда уларнинг кўплиги ҳайратга солди. Битта рангли сурат — 30 рупий — бизнинг пулга чақадиган бўлсак, бир ярим сўм атрофида.

Улар сизга тақдим этган суратларда Тожмаҳал бутун улуғворлиги билан гавдаланади. Акбаршоҳнинг невараси Шоҳ Жаҳон (1626-1666) ва унинг рафиқаси Мумтоз Маҳал шу ерга дафн этилган. Айтишларича, Мумтоз Маҳал (асл исми Орзуманд Бону Бегим) бутун Ҳиндистондаги энг гўзал аёл бўлган. Шоҳ Жаҳон уни чуқур ва самимий севган. Император Жанубий Ҳиндистон бўйлаб қилган сафарларининг бирида Орзуманд Бону Бегимни ҳам олиб кетади. Йўлда малика бетобланади ва умри битаётганлигига кўзи етиб, эрини чақиради. Бону унга васият қиларкан, Шоҳ Жаҳонга бошқага уйланмасликни ва ўзи учун салобатли мақбара бунёд этишни ва мазкур обида иккаласи ўртасидаги соф, мустаҳкам севгидан далолат бериб туражагини айтиб, жон берган. Шоҳ Жаҳон кўзларида ёш билан, хотинига сўз беради. Бу воқеа 1630 йилга тўғри келади. Вақтинча, маликани жони узилган жойда дафн этадилар ва ярим йилдан сўнг Аграга, Жамна дарёси соҳилига қабрини кўчирадилар. Шоҳ Жаҳон бутун вужуди билан мақбара бунёд этишга киришади ва меъморларга: «Шундай бино бунёд этингки, у маликадай нозик, маликадай гўзал, севгимиз каби мангу бўлсин!» — дейди.

Агра бўйлаб сафаримизда ҳамроҳлик қилган Каруна Шанкар Сингх бизга кўп тарихий воқеаларни ҳикоя қилиб берди. Деҳлидаги Ж. Неру номли дорилфунуннинг рус тилини ўрганиш марказининг илмий ходими бўлиб ишлайдиган Карунанинг рус-инглиз, ҳинд тилларида бемалол гаплашиши ҳавасимизни келтирди. У Бобурийлар сулоласи билан боғлиқ тарихий гапларни мукаммал биларкан. Акбаршоҳ, Шоҳ Жаҳонни мақтади, Аврангзебга келганида эса негадир ранги ўзгарди. Аврангзеб, Зебунисодек дилбар шоиранинг падари бўлса ҳам, маҳаллий ҳалққа зулм ўтказганлиги, ободончилик билан шуғулланмаганлиги бизга ҳам маъқул бўлмади. Айниқса, Акбаршоҳнинг қурилиш соҳасидаги хизматларини алоҳида таъкидлади. Аградан 42 километр олисда Акбаршоҳ барпо этган янги пойтахт — пур-Секридаги муҳташам қасрларни кўрганда, бунга ишонч ҳосил қилдик.

— Каруна, Аграда ҳозир ҳам ўзбеклар борми?

— Йўқ, улар маҳаллий халқ билан бирикиб кетди.

— Тожмаҳални ким қурганини айтиб беролмайсизми?

— Менимча, Устод Аҳмад Лаҳорий бўлса керак. Бизда кўпчилик шундай дейишади... Баъзан Устод Исохонни ҳам тилга олишади.

Дарҳақиқат, Тожмаҳалдек гўзал иншоотнинг меъмори ким? Манбаларда ҳозиргача бу аниқланмай келаяпти. Айримлар, итальян архитектори Жеронимо Веронио император кўрсатмасига биноан лойиҳалаган деса, баъзилар Устод Аҳмад Лаҳорий қурган деб айтишди. Яқинда рўзномалардан бирида эса Тожмаҳал мақбараси ва унинг атрофидаги обидалар Шоҳ Жаҳонгача ҳам мавжуд бўлган деган фикр юритилди. Негадир бу фикрларга қўшилмадим. Эҳтимол, унинг ҳақиқий меъмори Шоҳ Жаҳоннинг ўзидир? Негаки, мақбарани қуриш олдидан император Бухоро, Самарқанддан ҳам меъморларни ҳузурига чорлагани ҳақида маълумотлар бор. Ана шу халқ усталарининг лойиҳалари ва император фикри асосида Тожмаҳал дунёга келган бўлса ажаб эмас. Негаки биз, ўзбекистонлик бир гуруҳ комсомол-ёшлар мақбарани зиёрат қилганимизда, Бухоронинг азим миноралари ва Самарқанднинг салобатли гумбазлари бу иншоотда акс этганини ҳис этдик. Маълумки, Тожмаҳал 22 йил мобайнида, яъни 1632 йил бошланиб 1653 йилда тамомланган. Қурилишга расмий маълумотларга кўра, 30 миллион рупийдан ошиқ маблағ сарфланган. Тожмаҳалга яланг оёқ кирилар экан. Оппоқ мармарлар шу қадар нафис, шу қадар нозик, кўркамки... Мақбара қазонғида Шоҳ Жаҳон ва унинг суюклиси малика Мумтоз Маҳал дафн этилган. Қабр ёнида зиёрат қилувчи сон-саноқсиз ҳиндларнинг чуқур иззат-эҳтиром кўрсатаётганликларининг гувоҳи бўлдик.

Тожмаҳал баландлиги 75 метр келадиган гумбаз билан тамомланган. Унинг тўрт бурчагида яна тўртта кичикроқ гумбаз бор. Миноралар мақбара ансамбли билан яхлит, бир бутунликни ташкил этади. Мақбара ортида Жамна дарёсининг қуриган ўзани бор. Бир пайтлар Шоҳ Жаҳон дарё оқимини мақбара ёнигача буриб келганди. Дарё оқимининг қарама-қарши соҳилида Шоҳ Жаҳон иккинчи Тожмаҳални қуришга қарор қилган. Бу мақбарани у қора мармардан бунёд этмоқчи бўлган. Бироқ император орзусига эриша олмади. Қора мармар оқ мармардан тўрт-беш баробар қимматроқ ва уни жуда олис мамлакатлардан ташиб келтириш зарур эди. 1658 йилда Шоҳ Жаҳон ўз ўғли Аврангзеб томонидан тахтдан туширилди ва умрининг охиригача (1666) яширин равишда асирликда сақланиб, ўлимидан сўнг Тожмаҳалга дафн этилди. Шу тариқа у саккиз йилча одамлар кўз ўнгида «ўлганга» чиқарилди.

Инглиз мустамлакачилари Тожмаҳални дастлаб кўришганда чексиз ҳайратга тушишганди. Улар бунга жавобан ўзларининг меъморчилик соҳасидаги маҳоратларини кўрсатмоқчи бўлдилар. 1901 йилда кексайган қиролича Виктория Ҳиндистонда вафот этди. Инглизлар асосан ҳинд меъморларини ёллаб қироличага мақбара-мемориал қура бошлайдилар. Мақбарага мармарлар Жайпур шаҳридан келтирилади. Етти йил мобайнида мемориал қурилиши тамомланади ва унга 10 миллион рупий сарфланади. Бироқ Калькуттада бунёд этилган мазкур «XX аср Тожмаҳали» Аградаги гўзал обида билан тенглаша олмади. Зотан, бу икки мақбарани бир-бири билан таққослаб бўлармиди. Калькуттада бўлганимизда бу фарқни яққол сездик.

Тожмаҳалнинг қурилишида кимлар иштирок этмаган дейсиз? Бу ерда йилига йигирма минг киши тер тўкиб ишлаган. Кунига икки минг туя, мингдан зиёд қўтос юк ташиш ишлари билан банд бўлди. Бағдоддан, Тибетдан, Россиядан, Ҳиндистоннинг жанубидан қимматбаҳо тошлар келтирилди. Қабр ёнидаги феруза тошларга Шоҳ Жаҳонинг қизлари ҳам шакл беришган. Бироқ йиллар ўтиб, қимматбаҳо тошлар йўқолиб борган. Бир неча бор мақбарага қароқчилар ҳужум қилишди. Шу тариқа Тожмаҳал кўплаб ҳунрезликлар қурбони ҳам бўлди. Бироқ шу кунларда унинг кумуш гумбазлари узра кўзга илинмас хавф ҳам бор. Атроф муҳитнинг ифлосланаётганлиги, атмосферанинг бузилиб кетаётганлиги, мақбарага табиийки, салбий таъсир кўрсатмоқда. Дарё ўзанига туташган қисмининг чўкаётганлиги ҳақида гаплар юради. Ана шу мақсадда Тожмаҳалда ҳозир таъмирлаш ишлари кетмоқда. Бироқ Ҳиндистон иқлимининг иссиқлиги, ҳавонинг мўътадиллиги Тожмаҳални узоқ келгуси авлодларга сақлаш имконини беради.

Тожмаҳал яқинида совет туристлари учун «Боря» деган магазин бор. Бу ерда табиий чармдан тикилган плашч, пальто, пиджак, шунингдек, марварид харид қилишингиз мумкин. Аёлларнинг энг гўзал, нафис сарилари ҳам шу ерда сотилади. Агра кўчалари узра сайр қилаётганимизда оқшом чўкаётган эди. Шу пайт кўча ёришгандай бўлди. Қўлларида шам ёқилган фонус кўтарган ўнлаб кишилар келишарди. Ўртадаги ясантирилган отда эса бўйнида гулчамбар тўла куёв йигит, Найнинг юракларни эзувчи мусиқаси эшитилди. Зум ўтмай, у ноғоранинг қувноқ овози билан алмашди. Ҳинд йигитлари куёв-навкарлар ўйинга тушиб кетишди. Музика шу қадар ўйноқи эдики, беихтиёр ҳамроҳларимиздан айримлари уларга қўшилишди.

Кечқурун, меҳмонхона ресторанида ҳинд тўйи бўлиб ўтди. Каруна Шанкар Сингх тўй эгаси бизларни ҳам базмга таклиф этганини айтди. Агралик ёш врач Сумит, соҳибжамол Жайяларнинг никоҳ тўйлари бўлди. Икки ёшга бахт тиладик. Сўнг концерт бошланди.

...Эртаси куни кечга томон автобусимиз Деҳли томон йўл олди. Агра кўчаларига шом кира бошлади. Хонадонларда бирин-кетин чироқ ёнди. Қуёш уфққа ёнбошлади, алвонсимон уфқда эса Тожмаҳалнинг кўркам гумбази ва миноралари ортда қолди. Шаҳардан қайтар эканмиз, Ҳиндистонни забт этган музаффар шоҳнинг, лекин ўз юртини умр бўйи қўмсаб ўтган жабрдийда шоирнинг маҳзун номаси эшитилгандай бўлди:

Ёд этмаса кишини ғурбатда
киши,
Шод этмаса эмуш кўнгилини
меҳнатда киши,
Кўнглум бу ғарибликда шод
ўлмади, оҳ
Ғурбатда севунмас эмиш,
албатта, киши.

Озод ХУШНАЗАРОВ,
СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Муҳаммад АЛИ

«Дунё–бир ғунча...»

3

Муаллими соний бир хўрсиниб қўйди:

— Нозик жойдан олдингиз, қулун... Замон тақозоси-ю фалакнинг гардиши билан маълум бир даврда айрим тил зиммасига катта вазифалар юклатиладир. Санскрит тили шундоқ эди, юнон тили, чинмочин тили сўнгра лотин тили шундоқ ҳолни бошдан кечирди, башар камоли учун улуғ хизмат этди. Мазкур тиллар баридан тутганларнинг дасти узун бўлди, назарлари ўткир. Бизнинг замонамизда араб лисони ана шундоқ нуфузга минмакда, Арабу Ажамда уни билгичлар сафи қуюқлашмакда. Мен олам ҳақидаги ўйларимни туркий қалбимда пишитдим, вале араб тилида баён этдим, илло қалбимнинг ўртанишлари юртимнинг пучмоқларида қолиб кетмасин, балки башариятга пешвоз чиқиб борсин, дедим. Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Ҳосиб каби устодларнинг ҳам, англашимча, бири Хоразмни ташлаб, бири Фарғонани тарк этиб жаҳонгашта бўлиб юришларида андоқ олий мақсад мужассамдир. Агар она тилимизда ижод этсак, Мовароуннаҳрдан четга чиқмагимиз неча йиллар — балки юз йиллар — кейинга суриладмиди... Баски, Хоразм ила Фарғона фарзандлари туфайли номлари дунёга достон бўлди. Улар замонга боқиб она тупроқни улуғламоқ учун йироқларда унинг шаънини тафаккур дурдоналари билан безадилар, ақлу заковатнинг шиддатли кучини тизгинлаб, Ватан шарафини мангуликка еткурдилар... Мен ҳам уларнинг шогирдимен, етмиш тилни ўргандим, ҳар бир тилда ижод этмагим, рисолалар битмагим мумкин эди. Мен араб лисонида қалам сурмакни лозим кўрдим. Она тилимда ижод этмаганимни кечирмак мушкул эсада, келажак авлодлардан умидим борки, улар оқилу донодирлар, фақирнинг тутумини фаҳмлай олурлар!..

Орага жимлик чўкди. Ҳароратдан беҳол бўлган боғнинг нафас олгани эшитилгандай туюлар, жимлиқни ўнг томондаги деворда уясини қидириб зинғиллаб учиб юрган чумакарининг овозигина бузарди, холос.

Абубакр Калава тил ҳақида савол бериб муаллимни анчагина изтиробга солганини сезди. У савол эмас, балки дашном бергандай бўлди. Ал-Форобийнинг ўзлари юрт шаъни деб, илм деб мусофирчиликда юрибдилар, мусофирчиликнинг ўзи бир жазо-ку!

— Фозил шаҳар кишиларнинг қарашлари ҳақида китоб битдим, дедингиз, муаллим... — Абубакр Калава мавзуни ўзгартиришга уринди.

Хаёлга шўнғиб кетган ал-Форобий уйқудан уйғонгандай бир сесканди.

— Ҳа, ҳа, фозил шаҳар ҳақида, қулун, фозил шаҳар ҳақида... — Алломанинг чеҳраси ёришди. Фозил шаҳар ҳақида гапириш унга ёқиши кўриниб турарди.

— Умримни икки шиша идиш қисқартириб бормакда. Тирикчилигим ана шу икки идиш атрофида кечадир. Идишларнинг бири сиёҳ билан тўлатилган, иккинчиси май билан лиммо-лимдир. Биринчисида, донишмандлик мажмуасин ижод қиламен, иккинчисида, юрагимдаги ғам-андуҳларни нари қувамен... Шу йўсинда олти мучал умр кўриб қўяётирмен ушбу дорилбақода. Ҳа, ҳа, қулун, — таъкидлади Ал-Форобий Абубакр Калаванинг «дорилбақо» сўзига эътибор берганини кўриб. — Мен ёруғ дунёни дорилфано эмас, дорилбақо деб билурмен. Ҳар бир кас ушбу дорилфанони дорилбақога айлантира олмаги лозим. Бу инсоннинг ўз қўлидадир. Покиза меҳнат, эзгу юмушлар ҳамиша фанони бақога тенг қиладир. Тупроқдан ташқари тирикчилигимни тебратиб юриб, бир лаҳза тин билмадим, ҳамиша кўзим китобда-ю, қўлим қаламда бўлди. Юз элликка яқин китоб битдим, муаллим Арастутолис асарларига шарҳлар ёздим. Кўнглимда ардоқлаб келган орзуимга эса эндигина етишдим...

— Қандоқ орзу экан, муаллим? — сўради этикдўз йигит.

— Битган рисолаларим илмнинг турли соҳаларига, инсон руҳининг турфа кўринишлари-ю, турмушнинг кўп масалаларини ёритишга бағишланган. Уларда сийрату фазилат, ҳикмату хитоб, алфозу ҳуруф, қонуну қиёс, жону нафс, китобу қофия, ахлоқу адаб, мантиқу миқдор, мадинату саодат, мусиқа ва рўё каби масалалар таҳлил этиладир. Табиатда бир маҳлуқ борки, уни маданий-ижтимоий маҳлуқ демак жоиз, — бу инсондир. У бор маҳлуқот ичида энг юксаги ва олий мақом даражада тургани саналадир. Инчунун, табиатда жаъми мавжуд нарса инсоннинг яшамаги, камолга етмаги учун хизмат қилмаги зарурдир. Яъни илм ҳам, меҳнат ҳам... Анови олма баргларини силаб ўтган шаббодадан тортиб тоғларга тушган қор, офтобнинг камалак нури-ю, ариқчада жилдираб оқиб турган сувгача, тафаккурнинг шиддатидан тортиб, орзуларнинг оламни қамрагувчи қудратигача, сўзнинг сеҳридан то билакнинг қувватигача, ноз-неъматдан бойлигу заргача — бари, бари инсон учун хизмат этмаги лозим!.. Агар инсон бўлмаса, буларнинг бари нега керак? Дур йўқ эса унинг қобиғи нечун зарур? Оламни қўнғироқ деб билсак, инсон ўша қўнғироққа сас бергувчи тилдир, агар инсон бўлмаса, қўнғироқ сас беролмайдир, олам бамисли кўзи беркилган қудуққа ўхшаб қоладилар... Ва ё суви қуриган сардобанинг ўзи бўладир!..

— Бас, шундан маълумки, — давом этди аллома бир оздан кейин бошига танғилган дуррасини ечиб, маглайини арттач, дурра изларини силар экан. Абубакр Калава унинг кенг пешона эканлигини кўрди. — Инсон оламнинг тожи, ҳаётнинг кўрки, чиройидир. Демак, ҳамма нарса унинг камолотга эришувига, бахт-саодатга етишувига қаратилмоғи даркор. Фақир шу хусусда ҳамиша хаёлларга эрк бериб келдим. Инсон жамоаси ҳақидаги рисолам ана шундоқ мушоҳадалар меваси...

4

Муаллими соний дурраси билан елпина бошлади.

— Инсон жамоаси қандоқ бўлмоғи керак, муаллим? — сўради Абубакр Калава. Уни алломанинг ажойиб сўзлари тамоман ўзига маҳлиё қилди. Ал-Форобий янги битилган рисоласини олиб варақлай бошлади:

— Инсон табиатан шундай яралганки, у яшамаги ва олиймақом камолотга эришмаги учун ўзида кўп нарсаларга муҳтожлик сезадир. Бир ўзи эса бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлмак учун жамоага эҳтиёж туғиладир, яъни инсон жамоа сафида бўлсин. Бундай жамоа ҳар одамга яшаш ва етукликка эришиш учун зарур нарсаларни етказиб берадир. Инчунин, инсон шахслари кўпайдилар ва Заминнинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар. Инсон жамоаси ана шундоқ вужудга келди... Инсон жамоаси учга бўлинадир. Аввалан, буюк жамоа дейимиз, — бу барча жамоалар жамулжамидан пайдодир. Сониян, ўрта жамоа келадир, бу муайян халқнинг бирлашувидан иборат. Яна, кичик жамоа, бу муайян халқ яшаётган шаҳарга айтиладир.

— Рисолангиз фозил шаҳар ҳақида экан, — деди Абубакр Калава — демак кичик жамоа ҳақида экан-да?

— Бунинг сабабини тубандагича фаҳмлайдирмен, — тушунтирди ал-Форобий. — Бемисл фаровонлик ва камолотнинг олиймақом даражасига аввало энг кичик жамоада, яъни бир шаҳарда эришмак мумкин деб ҳисоблаймен. Қишлоқларни, турли масофадаги манзиллар, элларни бирлаштириб жамоа тузмак дабдурустдан мушкулдир. Шул важдан муродни шаҳардан бошламак муҳимдир. Чунки шаҳарнинг бу маънода афзалликлари бор, у маълум чегарали, бир майдонни эгаллаган, маҳаллалар бир-бири билан боғлиқ, муайян кўчалари туташма-туташдур, энг муҳими уни бошқариш хийла осон кўчадир. Аввал бир шаҳарда, сўнг иккинчи шаҳарда, ўзгаларида ўрта жамоа бино бўладир, кейинчалик буюк жамоа дунёга келадир...

Абубакр Калава муаллими соний сўзларини эшитар экан, кўз ўнгида она шаҳри Самарқанд гавдаланар, ҳар бир сўзни унга қиёс қиларди. «Ҳа, Самарқанд маълум чегарали, муайян бир майдонни эгаллаган, маҳаллалари бир-бири билан боғлиқ, кўчалари туташма-туташ...».

— Жамоанинг пайдо бўлиши ҳали ҳолва, «ҳолва» деган билан оғиз чучимас... — кулди муаллими соний. — Фалсафада мақулот дерлар, миқдор ва сифатдан иборатдир, жамоаларнинг кўпайиши миқдорга оиддир, аммо ҳамиша сифатга боқилур, миқдорга эмас, сифатга мувофиқ баҳо берилур.

— Жамоанинг сифатига баҳо бериладими, дедингизми?

— Бешак-шубҳа, қулун, бешак-шубҳа шундоқ! Миқдор сифатга айланмоғи жоиздир...

Бир лаҳза жимлик чўкди. Чумакари ҳали ҳам деворда уясини тополмайин ғинғиллаб юрар эди. Аллома қўлидаги дуррани елкасига ташлади-да, этикдўз йигитга ўгрилди:

— Тойчоқ, сузма харид қилдингми? Балли! Битта айрон тайёрлаб юбор! Меҳмон билан чанқовбосди қилайлик...

Этикдўз йигит айрон тайёрлашга кетди.

Ал-Форобий жамоаларнинг миқдор ва сифатига тўхталгач, шаҳарлар таснифига киришди. Шаҳарлар икки гуруҳга бўлинадир. Биринчиси — фозил шаҳарлар, иккинчиси — жоҳил шаҳарлар. Оламдаги шаҳарларга назар қилинса, афсус-надоматлар бўлсинки, фозилидан кўра жоҳили кўпроқдир ва балки фозили йўқ даражададир. Қулун буни эътиборда тутсин.

Жоҳил шаҳар кишилари чинакам бахт-саодат нималигини билмайдилар, унга талпинмайдилар ҳам. Иқболдан бенасибдурлар, вале ишончлари ҳам йўқ. Уларга зимдан боқилса, худди бахтга етишгандай туюладилар. Яшашдан мақсад, дейди улар, соғлигу сарват, роҳату фароғат, кўнгил кўчасига эрк бериш, сохта шону улуғворликни қўлга киритмоқдир. Жоҳил шаҳар кишилари мана шуларни бахт-саодат деб биладилар.

Лекин улар бундай маъмурчиликка қандоқ эришадилар? Мана шу лаънатга мустаҳиқ жиҳатлардир. Бу йўлда улар ўзаро душманликдан қайтмайдилар, бойлик учун тўхтовсиз кураш олиб борадилар, фисқу-фасоду ғийбатга эрк берадилар, зўравонликка кўнгил қўядилар, ўғирлигу ғоратни олий мақсадга айлантирадилар. Бундоқ шаҳарда яшамоқ учун жамиша жанг қилмак, урушиб турмак лозимдур, деб ҳисоблайдилар. Бу эса оддий тилсиз, қувваи нотиқадан бебаҳра, қувваи фикрийадан маҳрум тўрт оёқли махлуқ қарашидан туб ўзга эмас!

Жоҳил шаҳарларнинг хили кўпдир. Биринчиси, лозимлобид шаҳардир, бу шаҳар аҳли тирикчилик учун зарур, лозим бўлган нарсалар — емак, ичмак, киймак, ётиштуриш ва жинсий алоқа билан қаноатланадилар, бу йўлда бир-бирларига кўмак берадилар. Хўжанд, Марғинон ана шундай шаҳарлардандир.

Яна айирбош шаҳар бордир, унинг аҳли фақат бойиш, даромад орттириш учунгина яшайдир, бир-бирига ёрдам қўлини чўзадир, бу ерда сарватмандлиғ — умрнинг мазмунига айланадир. Тошкент, Бухоро ана шундоқ шаҳарлардандир.

Қабиҳ ва бадбахт деб аталгувчи шаҳарнинг кишилари эса фақат емоқ, ичмоққа ҳирс қўйган, зинога муккасидан кетган бўладир. Улар туйғу ва таҳайюлга таъсир этадиган роҳату фароғат, ҳузур-ҳаловатга интиладилар, ҳамиша хушчақчақ бўлиш тарафдоридирлар. Айни пайтда, ўйин-кулгу, ишрат, вақтичоғлик ва эрмакнинг турфа хил кўринишлари-ю, ҳолатларидан тап тортмайдилар. Баайни Халаб шаҳри аҳлига ўхшаш.

Шуҳратпараст шаҳар кишилари доим ғараз юзасидан иш қиладилар, улар бениҳоя иззатталабдирлар, бир-бировини шуҳрат чўққисига чиқарсин, мақтаб кўкларга кўтарсин, токи буни эшитиб ўзга халқлар ҳам уларни улуғлай бошласин... Улар шу ниятдагина бир-бирларига ёрдам берадилар. Димишқ ана шундай шаҳарлардандир.

Кейингиси риёсатпараст шаҳардир — кишилари ҳукмфармоликка ўрганган, ўзгаларни куллагу забунликда тутмакка иштиёқманд, аммо ўзлари ҳеч кимга бош эгишни хоҳламаган шаҳар. Уларнинг бутун саъй-ҳаракати ғолиблик нашъасидан келадурғон қувончга қаратилгандир. Бағдод шаҳри ана шундай шаҳарлардандир.

Шаҳватпараст шаҳар — кишилари завқи баланд, аммо эҳтиросларини тийишни билмаган, хоҳлаган ишларини қилмакка эркли бўлган шаҳардир. Самарқанд, Нишопур ана шулар сирасига киради.

Бадаҳлоқ, беодоб шаҳар ҳам бордир, унинг аҳли фозил шаҳар кишиларидек ҳамма нарсани биладилару, аммо амалда жоҳил шаҳар кишилари тутумидан нарига ўтмайдилар.

Аввал фозил шаҳар бўлиб, беқарорликдан сўнг жоҳилга айланган шаҳар — ўзгарувчан шаҳардир.

Тағин бир шаҳар бор, адашган шаҳар дейдилар, унинг кишилари бахт-саодат бу дунёда эмас, у дунёда бўлади деб ҳисоблайдилар. Ал-Қоҳира ана шундоқ шаҳарга мисолдир.

Жоҳил шаҳар ҳокими ҳам ўша шаҳарга мос бўладир. У ўзини оқилу доно, одил деб билади, аммо ўзи шундоқ эмаслигидан ғирроми ёлғонлик, такаббурлик ила ўзгаларни алдайдир, ҳаётнинг бор маъмурчилиги-ю, фаровонлиги, фароғати, биргина мен учун дейдир. Унинг наздида, энг бахтли одам душманини енгган одамдир. Ғолиблар эса ҳамиша бир-бирини йўқ қиладир, чунки ўзгани даражаи камолга етмаган номукаммал ҳисоблайдир, ўзи учун хатарли деб биладир ва қулга айлантирадир, гўё у унга қул бўлишга яратилгандек...

Ушмундоқ фикрлар ҳам мазкур жоҳил ҳокимларнинг тафаккур хумдонида «пишган» фикрлардир: гўё шаҳар кишилари орасида ҳеч қандай алоқа йўқ, биров-бировнинг ҳақини бемалол емаги керак, биров-бировдан ҳайиқсин, одам-одам билан ўз ҳолича бирлашмайдир, балки зарурият, мажбурият юзасидан бирлашадир, муҳтожлик орқасидан келишишадир, икки одам бирлашса, шубҳасиз, бири ғолиб саналур, бири мағлуб...

Буларнинг бари ҳақиқат ойнасига солиб бўлмайдиган фикрлардир...

— Жоҳил шаҳар ҳокимларининг, шундоқ шаҳар аҳлининг айёру маккорлигига эътибор айланг, қулун! — деди ал-Форобий қўй кўзларини ундан узмай тикилиб турган самарқандлик меҳмонга. — Ваҳший махлуқларни овлашганда, очиқдан-очиқ ҳужум қилинадир, айёрлик билан тузоқ ёрдамида қўлга киритиладир. Жоҳиллар ҳам шундоқ: ноз-неъмату бойликни очиқдан-очиқ талайдилар, алдову ҳийла ёрдамида қўлга киритадилар...

Абубакр Калаванинг кўз олдига Самарқанд ҳокими Садр Сулаймон келди. Самарқанд атрофидаги олти қишлоқдан олинадиган пахта даромадининг бешдан тўрт қисми, шаҳарнинг ўзида маҳаллалардан келган солиғу ўлпонлар, ахир куппа-кундузи қилинаётган талаш эмасми? Алдову ҳийла билан қилинаётган ўғирлик эмасми? Мадрасанинг вақфи деб белгиланган ерлар-чи? Мотурид гузаридаги мойжовуз, новвойхона, Хожа Кафшир маҳалласидаги сополфурушлик, сомсапазлик дўконлари, Наддофлар маҳалласидаги пахта дўкони, Хожа Ғунжора қишлоғидаги тегирмон, бозор ичидаги каллапазлик, баққоллик дўконлари, Соғарчи қишлоғидаги юз таноб ер... Булардан олинадиган даромад, даромад эмас, ғирт ғоратнинг ўзи-ку! Жоҳил ҳоким эҳтиросини тия олмай шаҳарни шаҳватпараст шаҳарга айлантирди, бобилхона очиб хоҳлаган ишини қилмакка эркли бўлиб қолди. Самарқанд шаҳватпараст шаҳаргина эмас, қабиҳ ва бадбахт шаҳар рутбасини ҳам ола бошлади...

— Аммо одамнинг ўзига молини талаши хиёл пардалидир. — Абубакр Калава хаёлини бўлиб қўйди муаллими соний. — Одам ҳужум қилади-ю, лекин ҳақиқий мақсадини яшириб, ўзини бошқа нарсага интилаётгандек қилиб кўрсатадир. Натижада ундан хавфсирамайдилар, ҳадикка тушмайдилар ва қаршилик кўрғизмайдилар. У осонгина ўзининг қабиҳ ниятига эриша оладир...

Шу пайт этикдўз йигит бир чапияда[1] айрон олиб келди. У чиний косага муздек айрондан қуйди-да, муаллими сонийга узатди. Нафас бўғиладиган иссиқда томоғи қақраган аллома айронни кўрди-ю, оғзининг суви келиб кетди. Косани олиб роҳат қилиб симира бошлади. Бир томчи айрон оқиб соқолига тушди. Жимликдан энди чумакарининг ғинғиллаши эшитилмас, чамаси уясини топиб олганди.

— Шукур, оллога! — соқолини артар экан деди Ал-Форобий. — Мисоли она Сирдарёнинг сувини ичгандай бўлдим. Ота-боболаримиз уни Энчиўғиз деб аташарди. Яксарт ҳам дейишарди...

Айрондан чанқоғини қондирган Абубакр Калава муаллими сонийга юзланди:

— Бир нарса фаҳм айладимки, муаллим, бизнинг шаҳримиз Самарқанд ҳам жоҳил шаҳарлар сирасига кирар экан. Сиз уни шаҳватпараст шаҳарлар қаторига қўшдингиз... Самарқандни фозил шаҳарга айлантиришнинг не йўли-ю йўсини бор экан?..

— Фозил шаҳарнинг ҳам ўз шартлари бор, қулун, — деди Ал-Форобий. — Аввало, инсон бахт-саодатга эришмаги, иқболига ёр бўлиб яшамаги лозим. Бандасининг руҳий камоли унинг ўзига боғлиқ, ўз қўлида. Бахт-саодат нарити дунёда эмас, балки ёруғ дунёдадир. Унга эришмак учун инсонга фозил шаҳар жамоаси зарурдир. Жоҳил шаҳарда ҳеч қачон инсон бахтли бўлолмайди!

— Фозил жамоа қандай тузиладир?

1. Чапия — сопол идиш.

— Кишиларни чинакам бахт-саодатга эришув йўлида бир-бирига кўмак беришни мақсад қилиб қўйган шаҳар фозил шаҳардир, иқбол висолига еташмак йўлида одамлари бир-бирига ёрдам қўлини чўзган жамоа фозил жамоадир. Саодат жамолини кўрмак ниятида шаҳарлари бир-бирига холис кўмаклашган халқ фозил халқдир. Агар толе-иқбол манглайини ўпмак мақсадида халқлар бир-бирларини қўллаб юборсалар, у ҳолда бутун курраи замин фазилатли, саховатли маконга айланадур! Бутун Ер юзи фозил жамоага бирлашадир...

— Айтганингиз келсин, муаллим!

— Айтганингиз келсин!

— Фазилатли бўлмак, яъни мукаммалликка, даражаи камолга интилмак улуғ хусусиятдир, бу биз инсонларнинг табиатимиздан келиб чиқадир, — давом этди Ал-Форобий. — Камолот ва бахтга эришмакни ҳаёт, турмушнинг ўзи тақозо этадир...

— Тақозо этадир... Хўш... — муаллими соний сўзини бўлди Абубакр Калава. — Аммо қандоқ қилиб бахт-саодатга эришиладир? Унинг калити қайда?..

— Аввало фозил шаҳарга маърифат ва тарбия керакдир. Маърифат ва тарбия бахт-иқбол, саодат жамолини ёрқинлаштирадиган, унинг хизматларидан баҳраманд этадиган шарафли йўлдир. Маърифат, илм хуш ахлоқ ила безанмоғи лозим. Агар у бўлмаса, жамоа ваҳший махлуқот жамоаларидан бирига айланадир. Сониян, фозил шаҳарда косибчилик ривож топсин, деҳқончилик, чорвачилик, тўқувчилик, балиқчилик юмушларини равон йўлга солмак шарт. Савдо йўлларида ҳар қандай тўсиқ олиб ташланиши зарур. Алқисса, фозил шаҳар бамисли соғлом бадан, солимул аъзодир. Аъзолар бир-бирига боғлиқ, бир-бирига кўмакчи, акс ҳолда, шаҳарда равнақ бўлмаги мушкилдир. Ҳориб қолмадингизми, қулун?

— Асло! — деди Абубакр Калава. — Беқиёс идрокингиздан эсган майин тафаккур шабадалари миямнинг пучмоқ-пучмоқларига жон руҳини олиб кирмакда, эй феъли эзгу! Бу менинг учун ажойиб тарихдир, нақлингизда фалсафа теран ва бебадалдир...

Ал-Форобий хаёлга чўмди. Оппоқ соқолини силар экан, катта кўзларига мунг чўкди.

— Ҳа, тарих — хотиранинг ўғлидир, шеърият — тасаввурнинг қизидир, фалсафа — идрокнинг фарзандидир... Айтганларим авлодларимга тарих бўлиб қолажак, шеъриятга тасаввур бережак, иншоолло... Хўш... қандоқ қилиб бахт-саодатга эришмак мумкин, деб сўрадингиз, шундоқми, қулун?..

— Шундоқ, муаллим, шундоқ!

— Юқорида зикр этганларим рўёбга чиқса, бахт-саодат ўша. Аммо бу фозил шаҳар ҳокимига боғлиқдир...

— Фозил шаҳар ҳокимига?

— Фозил шаҳар ҳокимига! — тасдиқлади аллома. — Ҳар қандай одам ҳам шаҳар ҳокими бўла олмайдир. У ҳар томонлама етук, ўрнакка сазовор бўлсин, ҳам ақли тугал, ҳам тарзи гўзал, салоҳияти ўткир, руҳи тараққий этган, фикри солим, сўзга чечан, нутқи равон бўлмаги лозим.

— Ё раббий! — деб юборди Абубакр Калава. — Бир одамда шунча фазилат...

— Мен мухтасар дедим, аслида фозил шаҳарга ҳокимлик қилгувчидан ўн икки фазилатга эга бўлмаги талаб этиладир...

— Ўн икки фазилат?... — сўради Абубакр Калава. Чунки Самарқанд сарбадорлари жамоасига бошчилик қилмоқ умиди кўнглининг бир четида учқунланиб турарди. Самарқандни фозил шаҳарга айлантирмак мақсади тинчлик бермасди, шунинг учун ҳокимнинг фазилатлари уни бағоят қизиқтириб қолди. Лекин бу ҳақда алломага оғиз очмасликка қарор қилди.

— Ҳамма ҳам фозил шаҳарни бошқариш имкониятига эга эмас, — давом этди муаллими соний. — Бундоқ одам, биринчидан, табиатан раҳнамолик, раҳбарликка мойил бўлмаги лозим, иккинчидан, иродали, салоҳиятли бўлсин...

— Булар, ҳалиги айтганингиз ўн икки фазилатга кирадирми?

— Йўқ, уларни алоҳида айтаман, — жилмайди аллома. — Соғлом баданда ҳокимлик этувчи юракка боқинг. Бошқа бирор аъзо уни бошқармайди, балки у ўзга аъзоларга раҳнамолик қиладир, йўлга соладир. Фозил шаҳар ҳокими ўшанга ўхшаб кетадир. Жамоанинг бирор аъзоси уни бошқармайди, аксинча у барчага раҳбарлик айлайди, чунки ҳар жиҳатдан даражаи камолга эришган, фаолиятида ақлу идрокнинг юксак намуналарини кўргизадир. Бу — ўша тасаввур имкони табиий равишда сизу биз айтган камолот зинасига чиқолган инсондир. Фозил шаҳарнинг бош ҳокими, Фозил халқнинг бош ҳокими, фазилатли заминнинг бош ҳокими ана шундоқдир, бу — имом, яъни бошқарувчи...

Дарвоза тақиллагани эшитилди, кетидан бурғу чалинди. Кун қайтиб, кеч кириб борарди.

— Дарвозани оч, тойчоқ! — буюрди муаллими соний. — халабдан, Сайфуддавла жарчиси кирмакка интиқ...

Бир оздан кейин «Тойчоқ» ростдан ҳам саллалик хушбичим чопарни бошлаб келди.

— Кел, қўзим, кел! — қарши олди аллома.

— Келаси ҳафтанинг чаҳоршанбаси оқшом подшо Сайфуддавла саройда фозилу фузало, шоиру шуаро, машшоқу муғаннийлар иштирокида мажлис қурадир, — қўлидаги ёрлиқни узатар экан, деди чопар. — Донишманди замон, алломаи офоқ, Абу Наср ал-Форобий ат-Туркий ушбу анжуманга таклиф этиладир. Мажлисда Абу Фирос, Абулфорож, Абул Аббос ан-Номий, Ибн Нувбата, Ар-Роқий, Абу Бакр ал-Хоразмий, Мутанаббий янглиғ фозиллар ҳозир бўлурлар...

— Англадим, қўзим, англадим... — Аллома ёрлиқни олиб бир четга қўйди.

— Мен улов олиб келганмен... эрталаб йўлга отланмагимиз лозим. Халабга икки кунлик йўлдир... — сўзини тугатди чопар одоб билан қўл қовуштириб.

Ал-Форобий чопарга кетишга рухсат берди.


(Давоми бор).

(Боши ўтган сонда).

5

6

Гўзаллик конкурслари







«Янгича шамойил бугунги кунда — 1990» гўзаллар баҳси илк бор 1986 йилда Италиянинг Салерно шаҳрида бўлиб ўтган эди. Яқинда Совет Иттифоқида ҳам ана шу баҳс миллий финал шаклида ташкил этилди. Унда СССРнинг 10 шаҳридан 30 қиз қатнашди. Баҳсда олти гўзал Италияда бўлиб ўтадиган халқаро финалда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Чапдаги икки суратда гўзаллик баҳси ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳамда конкурс ғолиблари Л. Ульянова, А. Кваст, Е. Скляровалар акс этган. Япония шаҳзодаси Ая малика Кико билан турмуш қуришга аҳд қилишди. Ўнгдаги суратда император оиласининг никоҳдан сўнгги онлари.

В. ХРИСТОФОРОВ ва КООДО—ТАСС суратлари.

Меросимизни ўрганамиз

СУЛАЙМОН БОҚИРҒОНИЙ

Туркий тасаввуфнинг таниқли вакили Сулаймон Боқирғоний тариқатда ҳам, шеъриятда ҳам Хожа Аҳмад Яссавий анъаналарининг давомчиси ҳисобланади. Боқирғоний Яссавийнинг учинчи халифаси. Хоразмнинг Боқирғон қасабасида дунёга келганлиги туфайли Боқирғоний тахаллусини олган. Туғилган йили аниқ эмас, вафоти тахминан 1186 йил деб белгиланган. У Ҳаким ота лақаби билан ҳам машҳур бўлган. Ўтмишда яратилган баъзи бир асарларда Сулаймон ота ва Ҳаким ота — бошқа-бошқа шахслар сифатида нотўғри қайд этилган.

Алишер Навоий «Насойимул муҳаббат»да ёзади: «Ҳаким ота — оти Сулаймондур. Хожа Аҳмад Яссавийнинг муридидур. Ҳамонки, бир кун Хожа тобехе (овқат пишириш) буюрғондурларки, матбахий (ошпаз) ўтун етмайдур деб келгандур. Алар асҳобға деганурларки, ёзидин ўтин териб келтурунг ва ўл замон ёғин ёғодур экандур. Асҳобким, ўтин терибтурлар, матбаҳға (ошхонага) келгунча ёғин жиҳатидан ўтунлар ўл бўлғондур. Ҳаким ота терган ўтунларни тўнига чирмаб, қуруқ келтургандур. Хожа Ҳазратлари дегандурларки, эй фарзанд, ҳакимона иш қилдинг ва аларға бу лақаб андин қолғондур ва Ҳаким отаға ҳикмат тили гўё бўйлибтур». Алишер Навоий Ҳаким отанинг ҳикматлари турклар орасида шуҳрат топганлигини таъкидлаб, улардан бирини мисол келтиради.

Боқирғонийнинг дин ва тасаввуф, ишқ ва ахлоқ моҳиятидан сабоқ берувчи асарлари чиндан ҳам Туркистон халқлари ўртасида кенг тарқалиб, севиб ўқилган. Ҳусайн Воиз Кошифий Боқирғонийни «Дарвешлар аҳволидин туркий тилда калимоту ҳикмат омиз ва латойифу ибрат ангизлари Туркистон вилоятида маъруф ва машҳурдур ва аларнинг фавойиди анфоси қудсийларидандур», деб таърифлайди.

Боқирғонийни ўтмиш аждодларимиз «ақли комил» ва «маърифати шомил», «қаноти тамом» ва «шукронаи неъмати илоҳий»дан таълим ўргатган ориф шоир бўлганлиги учун қадрлашган. У «лутфу мурувват», «иззат мутавозе», «ахлоқи ҳамида», сидқу садоқатни улуғлаганлиги сабабли асрлар давомида халқ меҳрини қозонган. Боқирғоний кўнглида «шавқи илоҳий ва завқи илоҳий» туғён қилган мураббий. Унинг тафаккур кучини тўғри белгилаш — тахайюл сирларини кашф этиш демак. Маълумки, ҳар қандай дин ва чинакам мистиканинг асосида «дунё»ни тарк қилиш майллари мавжуддир. Лекин бу — мавжуд оламга нафрат ёки бадбинлик ақидасини ифодаламайди. «Тарки дунёчилик»— руҳий машқ, олам гўзалликларининг мутлақ моҳиятига етишиш тажрибаси. Унинг мундарижаси жуда кенг ва инсоннинг ботиний ҳаётини тушунмоқ учун мислсиз бир «ҳужжат»дир.

Маълумотларга кўра, Ироқ Шайхи Хуросон Шайхига бир неча қийин саволлар билан мурожаат қилганида, саволларни у Аҳмад Яссавийнинг халифаларига йўллабди. Тасаввуфга доир ўша саволларга Ҳаким ота шеър билан жавоб қайтарибди. Унинг бир байтида бундай дейилган экан:

Ҳар ким кўрсанг Хизр бил,
Ҳар тун кўрсанг қадр бил.

Байт мазмунини биз нима деб шарҳлаймиз? «Инсон фарзандини камситма. Ҳар қайси одам Хизр тимсоли, уни қанча кўрсанг, ўшанча эъзозла ва манзур бил», деймизми? Бундай талқин ҳам Боқирғонийнинг панд-насиҳат сўзлари омма онгини «заҳарлашга» қўл келган дейишга асос берадими?

Мутлақ ҳақиқатга эришишнинг ягона йўли ва воситаси йўқ. Илоҳий ишқ калтабинликка зиддир. Чин ошиқ борки, барчасининг жони Жонон билан топишмоққа қодир. Маъшуқи азал ҳусн нуридан ёришмаган тун йўқ. Еру кўк, ой ва қуёш, тоғ ва дарё — хуллас бутун мавжудот унинг зоҳирий тимсоллари. Байт таркибидаги асл маъно ана шу. Демак, шоир бу ғояни илгари суришда ваҳдати шуҳуд таълимотига суянган. У «Жунайд янглиғ» «софий бўлиб», «Зунун янглиғ» «ҳаққа ёниб», «Ҳасан янглиғ» нафсга қаҳр қилиш билан қаноатланмасдан, «сирин халқдин гезлаб» Мансур янглиғ «Ҳақиқат бозоринда асир» бўлмоғни кўзлаган:

Қачон бўлғой висолинг,
жамолингни кўрсам ман,
Мансур янглиғ бўлубон дорда
мажлис қурсам ман.
Назор тегса ул замон, очилур
чечак минг алвон,
Фараҳ қилур бунда жон, жондин
кечиб ўлсам ман...

Навбатдаги байтда жондан кечиб ўлмоқдан мақсад нималиги шундай изоҳланади:

Жондин кечмай, иш битмас, нафси
амморатима,
Қуруғ даъво суд этмас, ёлғон
кўнгул берсам ман.

«Нафси аммора»нинг луғавий маъноси, — дейди таниқли олим А. Рустамов, — доим буйруқ бериб турувчи нафсоний куч бўлиб, бу ибора фақат нафс буйруғи билан иш қилувчи, шахсий манфаат йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган кишиларнинг нафсига нисбатан қўлланади. Бу нафс кишиларни ўғрилик, зўравонлик, бузуқликка ва ичкиликпарастликка олиб боради ва кишини турли балоларга гирифтор қилади. Аччиқланиш, ўзини катта олиш, ўзгалардан устун келишга ҳаракат қилиш, ўчакишиш, кек сақлаш, бировни кўролмаслик, қурумсоқлик, жанжалкашлик, бировларнинг орқасидан ғапириш каби манфий хислатлар нафси амморанинг амалий белгиларидан ҳисобланади».

Кўраяпсизки, Боқирғоний «нафси аммора»ни тилга олиш билан шеърхонни ана шунча иллат ва нуқсонларга қарши туриш, улардан кўнгилни поклашга чорлаган. Унинг талаби — ишқ ва имон ростлиги. Қуруқ даъво ва риёни лаънатлаган донишманд бир шоир ижодиётини таҳқирлаб қандай айбномалар тўқилмаган дейсиз?

Олим Шарафиддинов ва Сотти Ҳусайннинг 1939 йилда чиққан «Ўзбек адабиёти» мақоласидан ўқиймиз: «Яссавий ва Боқирғонийнинг асарларидан кўзга ташланадиган хусусият тилнинг соддалиги, ифоданинг равшанлиги ва форма томонидан фольклорга яқин туришидир. Бу ҳол то сўнгги йилларгача у асарларнинг халқ ичида тарқалишига ва ўқилишига сабаб бўлди. Бизнинг қўлимизда бу асарларнинг эски нусхалари йўқ, фақат кейинги асрлардаги кўчирмалар бор. Шундай бўлсада, уларнинг тилини ўз даврида ҳам ҳозирги нусхалардаги тилга яқинлигини қатъий даъво қилиш мумкин. Чунки кенг қишлоқ халқи, чорвачилар оммасини сиёсий курашдан, эрк учун курашдан қайтариб, бу дунёни сотиб, охиратдан умид қилишга чақирувчи асарнинг тили халққа яқин бўлиши зарур эди. Ҳар қандай диний байроқ билан чиққан адабий оқим сиёсат билан бевосита боғланган, ўз ғоясини халқ англайдиган бир тилда тарқатишга уринган».

Ўз ғоясини халқ англамайдиган тилда тарқатишга уринадиган адабиёт ҳам борми? Эрк учун курашга чақирувчи асарнинг тили халқдан узоқ бўлиши зарур деб айта оламизми? Ахир, ахлоқ комиллиги ва Руҳ ҳурлиги учун азият чекиш наҳотки эркка тўсқинлик бўлса?

Аҳмад Яссавий тариқатининг моҳиятини «ўтакетган таркидунёчи»лик, мистик сўфизм билан ислом динини бирлаштиришга уриниш деб баҳолаган академик В. Зоҳидовнинг айтишича, Сулаймон Боқирғоний «ўзининг «Охир замон», «Боқирғон» номли асарларида, айрим ҳаётийлик руҳдаги моментларидан қатъи назар, асосан ўз устози Хожа Аҳмад Яссавийнинг таълимотларини яна ҳам оммабоп қилиш ва тарғиб этиш билан машғул бўлган».

Боқирғоний асарларидаги «айрим ҳаётийлик руҳдаги моментлар» ҳам кейин босилган китобларда инкор қилинади. «Ўзбек совет қомуси»да у «Ўрта Осиё ижтимоий фикр тарихида ўта реакцион из қолдирган Аҳмад Яссавий таълимотининг давомчиси... Оммани итоаткорликка, дунё гўзалликларидан воз кечиб, «у дунё» фароғатларига ишонишга чақирган... шеърлари соддалиги, поэтик жиҳатдан халқ қўшиқларига яқинлиги учун ҳам омма орасида кенг тарқалиб, онгини заҳарлашга қўл келган» шоир қиёфасида элга танитилган. Соддалиги, поэтик жиҳатдан халқ қўшиқларига яқинлигидан шеърлари омма орасида кенг ёйилган шоир — ҳазилакам шоир бўлмайди. Зеро, у кўпчиликнинг кўнглига йўл топа олган. Бу мантиқ омма онгини заҳарлашга оид фикрни ўз-ўзидан йўққа чиқармайдими? Ёки халқ қўшиқлари поэтикасида ҳам онгни заҳарлайдиган «унсурлар» борми?

«Сулаймон Боқирғоний шеърларидан ташқари, — деб ёзади профессор Н. М. Маллаев, — «Охир замон китоби» ва «Биби Марям китоби» деб аталган икки достон ҳам яратган. Диний сафсаталардан иборат бўлган бу достонларда ҳам, у қулдек тобеликни тарғиб қилади, дўзах азоблари, қиёмат қойим бўлиши ҳақидаги афсоналар билан халқни даҳшатга солмоқчи бўлган».

Диний мифология ва тасаввуф фалсафаси Боқирғоний достонларига бутунлай ўзгача нигоҳ билан қараш, уларнинг мажозий мазмунларини бошқача йўналишда талқин қилишни талаб этади. Шоир достонлари бу дунёни дўзахга айлантирмаслик, нафсу ҳавога берилиб халқ бошига қиёмат азобларини солмаслик, онг қуллигидан халос бўлиш, дин қудратини улуғлаш каби маънавий-ахлоқий эҳтиёжларни ифодалайди. Улкан турк олими Муҳаммад Фуод Кўприлизода «Охир замон китоби» ва «Биби Марям китоби»ни «Ўрта Осиёда, шунингдек, Идил атрофларида диққат ва ҳарорат билан ўқилган асарлардандир», деганида, «диний сафсаталардан иборат» эканлигига ақли етмаганми? Дин ва тасаввуфнинг билимдони, дунёга машҳур олим жаҳолат ва даҳшат уруғларини сочадиган шеърий ифодаларни халқ диққат ҳамда ҳарорат билан ўқимаслигини наҳотки англамаган?

Н. М. Маллаев Боқирғонийнинг «реакцион шеърлар» яратишини бавосита Аҳмад Яссавийга боғлайди: «Боқирғон китоби»даги шеърлар ғояси, услуби ва тили жиҳатидан Аҳмад Яссавий шеърларига шунчалик яқин ва монандки, баъзан уларни бир-биридан ажратиш ҳам амри маҳолдир». Ғоя, услуб, тилда чиндан ҳам ўхшашлик кучли. Қул Сулаймон, Ҳаким Сулаймон, Ҳаким ота лақаблари билан ёзилган шеърлар шакл ва маъно, образ ва оҳангларда Яссавий ҳикматларига яқин, гоҳо фавқулодда ўхшаш. Аҳмад Яссавийни қизиқтирган бош масалаларга Боқирғоний бефарқ қолмаган. Умуман, «Девону ҳикмат» руҳидан Боқирғоний асарлари руҳини ажратиб бўлмайди. Шу ғоявий-бадиий уйғунликни М. Ф. Куприлизода «яссавийликнинг хусусий одоби» эканлигини таъкидлаб дейди: «Ҳаким Сулаймон ота бу анъанани илк дафъа таъсис этмоғи нуқтаи назаридан Яссавий издошлари орасида энг муҳим мавқега эришишга ҳақли эди. Унинг асарлари ҳам саккиз юз йилдан бери Шайхнинг асарлари ила баробар халқ орасида барҳаёт яшаб келганлиги бундан далолатдир».

Боқирғоний Яссавийнинг муносиб шогирди бўлганлигини тасдиқлайдиган нақл ва ҳикоятларнинг кўп яратилганлиги ҳам тасодифий эмас. Эмишки, Сулаймон мадрасага қатнаганда бошқа болаларга ўхшаб «Қуръон»ни елкасига осмасдан икки кафтида кўтариб қадам босар, таҳсил тугагач, уйига етиб олгунча мадрасага орқа ўгирмаскан. Бир кун масжид ёнида ўтирган Аҳмад Яссавий бу ҳолни кўриб ҳушдан кетганмиш. Шундан эътиборан Хожа «Қуръон» ўқитмоққа Сулаймонни ёнига олибди. Ўн беш ёшга кирғандан сўнг эса Яссавийга у мурид бўлган экан. «Ҳаким ота китоби»даги бир ривоятда даштдан ўтин териб келиш воқеаси Хизр алайҳуссаломнинг Яссавийга меҳмон бўлиб келишига боғланади. Сулаймоннинг тадбиркорлигидан мутаассир бўлган Хизр унга «Бундан сўнгра лақабинг Ҳаким бўлсин. Жим юрма, файз изҳор қил», деганмиш. Шу-шу Сулаймон ҳикматлар айта бошлаган экан.

Маълумки, тасаввуф дил поклиги ва Руҳ комиллигига ўргатадиган таълимотдир. Тасаввуфдаги кўп фикрлар нафс ва ахлоқ, Руҳ ва Ишқ тўғрисида. Дунёга ҳирсу ҳавасни мағлуб этмоқ, тақдирнинг қўрқувларини енгмоқ, Ишқ «қадаҳ»ида Сир «шароб»ини ичмоқ — булар аҳли тасаввуфнинг орзуси. Боқирғоний ҳикматларида ҳам шу масалалар ёритилган. Улар ўқувчини айниқса нафс ва Руҳ зиддиятларидан кенгроқ огоҳ қилади. «Бу беш кунлик тирикликда» даврон сур, танни яйрат, дейди нафс. Руҳ бунга қарши: «Илм бирла тариқатнинг йўлин билиб, Саҳар вақтда уйғоқликни одат қил», дейди. Тариқат майдонида жавлон урмасдан, «муҳаббат буроқини» миниб бўлмаганидек, «ҳақиқат дарёсидин» «гавҳар» ҳам олиб бўлмайди. Нафсга буларнинг кераги йўқ. У «бу дунёнинг мулки»га эгалик қилишга, йиғиб, йиғиштиришга чанқоқ. Руҳда бундай ҳорислик йўқ: «Бу дунёни йиғиб териб нетайин дер?». У «Муҳаббат камарини белга боғлаюбон, бу дунёга талоқ бериб кетайин дер». Нафс эса:

Еб-ичиб тун-кун қорин
тўлдирибон,

Ёстуқ узра такъя қилиб ётойин дер.

Демак, Руҳ, нафсга мансуб «дунё»дан кечиш тарафдори. Ана шу дунё ҳавасларига этак силкиган ошиқ:

Ошиқдин сўрмангиз дунё ва
уқбо,

Ошиқ маъшуқ учун ҳар дам
ўлодур,

дейиши табиий, албатта.

Боқирғоний нуқтаи назарида, инсоннинг ботиний борлиғи илоҳий ишқ дарди билангина ободдир. Бу дард ҳамма нарсадан қудратли ва файзли:

Сенинг дардинг банга дармондин
ортуқ,

Сенга қул бўлғоним султондин
ортуқ.

Сенинг ёдингни айсам чўл ичинда,

Бўлур ул чўл менга бўстондин
ортуқ.

Шоир инсон хорлигини ғафлатдан деб билади; «Менинг хор бўлмишим ўз ғафлатимдин». Боқирғоний ижоди нега инкор қилинган? Чунки дин ва «Қуръон»ни таҳқирлаганлар учун имонсизликни ёқлайдиган фикрлар аҳамиятли эди. Лекин шоир ўз ҳукмларида собит. Мана, эшитинг:

На хуш бу дунёда имону Қуръон,

Не бўлғай дунёда имондин ортиқ.

Имон — «ботин маъмур»лиги. Яссавий тариқатида зуҳду тақво қилмаслик — инсон сийратининг бузилиши, яъни имонсизлик. Худди шу ички бузғунлик «риё бирла халққа ўзин» кўз-кўз қилмоқ ва сотмоққа имкон очади. Яссавий ва унинг издошлари зуҳду тақво деганда нимани назарда тутишган? Яссавий таълимоти бўйича, зуҳд мақоми — риққат (кўнгил юмшоқлиги), диққат, шафқат ва муҳаббатдан иборат. Тавбакорлик — тавозе ва мужоҳададир. Боқирғонийнинг «Тавба суви бирла ёзиқ кирларин» ювмоққа чорлаши — бадбинлик ёки мавҳум ғуссалардан кўз ёш тўкишга эмас, нафсга қарши «Таваккал қиличин иликка олиб» курашга ундаш эди.

Ҳозир энг кўп тилга олинадиган сўзлардан бири: Шафқат. Ёвузлик ва бағри тошликдан дили зада мингминглаб одамлар риққатга муҳтож. Дунёда Имондан ортиқ илоҳий, ахлоқий бойлик бўлмаслигига инондик. Шундай экан, Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Оллоёр каби шоирларнинг ижодини ўрганиш, асарларини нашр этиш ишларини нега ҳамон пайсалга соламиз? Буюк сиймолар кечиримли бўлишади. Боқирғоний тўғрисида айтилган барча ноҳақ гап ва айбловлардан тониб, унинг муқаддас руҳи қаршисида тавба-тазарру этиш — унинг ижодиётини тўғри баҳолаб халққа тезроқ етказиш демак.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ.



Риштон кулоллари.

Р. ШАГАЕВ суратга олган. (ЎзТАГ).

Саломатлик клуби

Ўт пуфагини эҳтиёт қилинг!

Яқинда клиникамизга 55 ёшлардаги аёлни оғир аҳволда олиб келишди. У ўнг кўкрагининг пасти жигар атрофини икки қўли билан тутганча инграрди. Томир уруши тезлашган, лаблари қуриган, ранглари оқарган, кўзларининг соққаси сарғайган. Биз учун касаллик аниқ. Лекин янада фикримизни аниқ тасдиқлаш мақсадида зудлик билан қон анализлари ва ултратовуш диагностика текширувидан ўтказдик. Бемор ўт пуфагининг оғир турдаги яллиғланишига дучор бўлган.

Бемор операция столига олиниб, ўт пуфаги олиб ташланди. Ҳозир шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож бўлганларнинг 20 фоизида ўт пуфагининг яллиғланиши учраётгани сир эмас. Бу касалликка мубтало бўлганларнинг 75 фоизини асосан аёллар ташкил этади. Бутун оила ташвиши, болалар тарбияси, дала ишлари етмаганидек волидан мукаррамаларимизни касалликка чалиниши биз тиббиёт аҳлини ташвишлантирмай қолмайди. Айниқса, ўт пуфагининг яллиғланиши — холециститга йўлиқиш ўлим билан олишиш демакдир. Бундай беморлар ўз вақтида шифохоналарга мурожаат этсалар хўпу-хўп. Акс ҳолда воқеа фожиа билан тугаши ҳеч гап эмас.

Холецистит — оғир касаллик экан. Хўш қандай бошланади, олдини олиш мумкинми! — деган савол туғилади.

Холецистит асосан ёшликдан бошлаб илдиз отади. Бундаги энг бош сабаб тартибсиз овқатланиш, қоринни қисиб боғлаб юриш, ичакни нажасдан ўз вақтида бўшатмаслик, ичак фаолиятининг бузилиши— оқибатда ўт пуфагида ўт димланиб қолинишга олиб келади. Кўпинча беморларнинг ичи қотиб кетади. Айрим беморларда эса оғриқ жигар соҳасидан бошлаб гўё қорин бўйлаб юргандек бўлади. Иккинчидан, эҳтиётсизлик, шошма-шошарлик, тартибсизлик туфайли организмга турли инфекцияларнинг тушиши — ўт пуфаги деворларини яллиғлантиради. Учинчидан, айрим кишиларнинг ёғли овқатларга ружу қўйиб, мунтазам ҳар куни бир хил овқатланиши холециститга чалинишга олиб келади. Истеъмол қилинган овқатнинг таркибида ёғ кўп бўлиши қонда холестерин миқдорини кўпайтириб оқибатда ўт қопида холестерин тошларини ҳосил қилади. Бундай пайтларда кишида ўткир холецистит бошланади. Баъзи кишилар ўзларича даволанишга ҳаракат қиладилар: бировлар тавсияси билан турли дори-дармонларни ишлатса, бировлар иссиқ тутади. Биров эса сир эмас киннаю турлича хурофий усулларни бажарадилар. Кўрибсизки, касаллик сурункали [хроник] турга ўтиб турибди. Бундай пайтда касаллик илдиз отиб, фақат жарроҳлик йўли билан муолажа қилишни тақозо этади.

Бемор шифокорларга вақтида мурожаат этиши, зарур дори-дармонлар билан бирга уларнинг тавсияларини бекамукўст бажаришлари лозим бўлади. Шунингдек Иттифоқимиздаги Пятигорск, Ижевский, Железноводск, Баржоми, Трускавец, Ессентуки санаторийларда бўлиб шифо олиб туришлари айни муддаодир.

Ўт пуфаги шамоллаган беморлар ҳаргиз спиртли ичимликлар, қовурилган, ёғли, аччиқ таомлар истеъмол қилиши ярамайди.

Бизнинг Самарқанд вилоятида шундай беморларнинг кўплиги туфайли клиникамиз вилоят гепотологик марказга айланмоқда. Бу клиникада иккита фан доктори, ўнга яқин фан номзодлари ва малакали врачлар томонидан ўт пуфаги яллиғланишининг 60 фоизи жарроҳлик усули билан даволаш муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Лекин ҳаммасидан ҳам кўра бу касалликка чалинмасликка ҳаракат қилиш керак. Ошқозон ичак йўлларини шамоллашга йўл қўймаслик, доимо покиза бўлиш, мунтазам жисмоний тарбия билан шуғулланиш узоқ умр кўришнинг кафолатидир.

Б. СОБИРОВ,
Самарқанд тиббиёт институтининг умумий жарроҳлик клиникаси мудири, табобат фанлари доктори, профессор
З. АПТАРОВ.
клиниканинг субординатори.

Миллий кураш

БИРИНЧИ ФЕСТИВАЛЬ

Кейинги йилларда Ўзбекистонда миллий курашга бўлган эътибор анча сусайиб кетган эди. Бир пайтлар бутун мамлакатни, ҳатто жаҳонни ҳайратга солган Ҳ. Рўзиқулов, С. Ҳодиев, Н. Йўлдошев, Э. Ҳолиқов сингари қатор ўзбек полвонларининг издошлари етишиб чиқмаётгани ҳақида кўпчилик куйиничаклик билан гапиришарди. Дарҳақиқат, халқимиз азал-азалдан ўз ота-боболари удумларини кўз қорачўғидек авайлаб асраб келган. Бундан кейин ҳам бу қадимий анъаналар давом этишига умид боғласак бўлади.

Яқинда Тошкент Давлат циркида икки кун мобайнида Ўзбекистон полвонларининг 1-жумҳурият фестивали бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг энг кучли полвонлари миллий курашнинг бухороча ҳамда фарғонача усуллари бўйича ўзаро беллашдилар. Бухоро усули бўйича тошкентлик полвон Раззоқ Болтаев ғалаба қозонди. Хоразмлик полвонлардан Рафқат Шахмаев ва Рўзимат Абдураимовлар иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди. Фарғона қоидаси бўйича фарғоналик Аҳмад Тўрақуловга омад кулиб боқди. Иккинчи ўрин тошкентлик А. Шокиржоновга, учинчи ўрин эса фарғоналик Замзам Улмасовга насиб этди.

Ғолиблар совринлар ҳамда қимматбаҳо буюмлар билан мукофотландилар. Энди бундай фестиваль ҳар йили ўтказиладиган бўлди.

ТВ

16 АВГУСТ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 Ҳужжатли фильмлар программаси: «Аёл бўлмоқ...», «Қадрдон ер бўлаги». 12.30 «Хивача ажрим». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 13.00 Такрорий фильмлар экрани. «Марина». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Гуслярдаги ажойиботлар», «Мушукча Женя ва кўча қоидаси ҳақида». Мультфильмлар. 18.15 «Фанга бағишланган умр». Профессор Тўғон Эрназаров. Тошкент Давлат дорилфунунининг 70 йиллиги олдидан. 18.50 «Дилга яқин қўшиқлар». Мусиқий кўрсатув. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Шеърият дафтаридан». 20.00 «Телетомошабин билан мулоқот». Янги Иттифоқ шартномаси. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Ўзбекистон ССР халқ артисти Камолиддин Раҳимов куйлайди. 21.30 Сиёсий ва иқтисодий мавзуларда суҳбат. 22.00 «Ахборот». 22.20 Телетомошабинларнинг саволларига жавоблар. 22.50 «Хотира». Ўзбекистон ССР халқ артисти Тошхон Султонова ижоди ҳақида. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 «Шифокор қўллар». Телефильм. 18.20 «Томошабин ва санъат». (рус тилида). 19.05 «Сўнгги таътил». Бадиий фильм. («Мосфильм»).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Ўратепа шаҳрининг «Дилшод» ансамбли концерти. 21.45 «Витебск». Ҳужжатли фильм. 22.00 «Ахбор». 22.20 Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «Орол». Бадиий фильм. 1-серия. 9.45 Киев Давлат филармониясининг Н. Ризол раҳбарлигидаги баянчилар квартети чалади. 9.55 «Инсон, Ер, Коинот». 10.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 11.55 Коллаж(реклама, ахборот, эълонлар). 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.00 «Мусиқий хазина». Р. Вагнер. Опералардан парчалар. 15.55 Мультфильм. 16.20 «Англаб, етмоқчиман». Чернобилдаги авария оқибатлари ҳақида телевизион ҳужжатли-публицистик видеофильм премьераси. 17.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 «Бўхча». Мультфильм премьераси. 18.50 «Орол». Бадиий фильм. 2-серия. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 МТ олтин хазинасидан. И. Л. Андрониковнинг оғзаки ҳикоялари. 22.05 «Овозим билан». Фильм-концерт премьераси (Ленинград). 23.05 «ТСН» Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 8.15 «Образ». Юқори синф ўқувчилари учун адабий кўрсатув. 9.35 Болалар учун фильм. «Ғамдан қўрққан бахтга муяссар бўлмайди». 1-серия («Беларусьфильм»). 10.40 «Евинога йўл» (Минск), «Шарқий Сибирь». Киножурнал. Ҳужжатли фильмлар премьераси. 11.20 Ритмик гимнастика. 11.50 Такрорий телефильмлар сеанси. «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». 7-серия.

* * *

16.30 «Тикланиш». «Менинг уйим қаерда». 17.00 Ритмик гимнастика. 17.30 «Поморье қўшиқлари». Петрозаводскдан кўрсатилади. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 Баскетбол. Жаҳон чемпионати. Эркаклар. Аргентинадан кўрсатилади. Танаффус пайтида (19.10) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Бизникида меҳмонда». 20.10 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 20.15 Телевизион мусиқий абонемент. «Иегуди Менухин Москвада ва Ленинградда». 1987, 1989-йиллар. 1-кўрсатув. 21.05 «Томошабинлар меҳри соврини» кинофестивали. «Пушти ранг лентали рақс». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Киевнаучфильм»). 21.35 «Сопот-90». Халқаро эстрада фестивали. Биринчи кун. Польшадан кўрсатилади. Танаффус пайтида — Отиш спорти бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 70083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 23522.